БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 254 (485)

23 ДЕКАБРЬ ЖУМА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

КПСС XX с'езди шарафига (1-нчи бет).

Қишлоқ хўжалик илғорларининг республика кенгаши (1 ва 2-нчи бетлар).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **И. Сулаймонов.** — Саноатга партия раҳбарлиги савияси юқори кўтарилсин. **Б. Халилов.** — Ўртачирчиқ сабоқлари (2-нчи бет).

Барча ҳосилни тезроқ йиғиб олиб, кузги шудгорни ҳартарафлама кучайтирайлик! Ш. Кузанбоев. — Ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш пайсалга солинмаслиги керак (3-нчи бет).

Н. Эгамназаров. — Қайроққумда (3-нчи бет).

Р. Абдуллаев. — Коллектив шартноманинг бажарилишига эришайлик (3-нчи бет).

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Осиё мамлакатларига қилган сафари тўғрисида четэл матбуотининг ёзганлари (4-нчи бет).

Совет ҳукумати Неруга совға қилган қишлоқ хўжалик машиналари топширилди (4-нчи бет).

Эрон парламент делегацияси Совет Иттифоқига келди (4-нчи бет).

Эрон парламент делегацияси Бокуга келди (4-нчи бет).

БМТнинг Хавфсизлик Кенгашида (4-нчи бет).

Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К. П. Ш. Менон-нинг баёноти (4-нчи бет).

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1955 йил 22 декабрьда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми бўлди.

Пленум ташкилий масалани кўрди ва ўртоқ А. Э. Ниёзовни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди.

Пленум ўртоқ Н. А. Муҳиддиновни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайлади.

Қишлоқ хўжалигини янада зўр бериб юксалтирайлик

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши ўз ишини тамомлади. Кенгаш қатнашчилари ғоят баланд руҳ ва зўр сиёсий кўтарилиш блан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва ССР Иттифоқи Министрлар Советига Мактуб қабул қилдилар. Бу Мактубда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан 1956 йил учун олган социалистик мажбуриятлари баён қилинган.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг биринчи Секретари Никита Сергеевич Хрушчев ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Николай Александрович Булганиннинг иштирок этганлиги ғоят катта ва қувончли воқиадир. Кенгаш қатнашчилари томонидан самимий кутиб олинган ўртоқ Н. С. Хрушчев кенгашда катта нутқ сўзлади. Кенгаш ишида қардош Тожикистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Қишлоқ хўжалик илғорларининг республика кенгаши областимиз меҳнаткашлари с'ездоли социалистик мусобақасини тобора кенгайтириб, 1955 хўжалик йилини муваффақиятли якунлаш ва КПСС XX с'ездини муносиб совғалар блан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилаётган, халқимизнинг ғайрат ва ташаббуси, сиёсий активлиги мислсиз ошган бир вазиятда тўпланди. Кенгаш социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг барча тармоқларини юксалтириш соҳасида йил бўйи қилинган ишларга якун ясади ва келгуси йилда амалга оширилиши зарур бўлган буюк ишларнинг конкрет программасини белгилаб берди.

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик илғорларининг республика кенгашини меҳнатда янги ғалабаларни қўлга киритиш блан кутиб олдилар. Областьда пахта тайёрлаш плани 101,33 процент бажарилди. Область пахтакорлари давлатга пландан ташқари яна камида 15 минг тонна пахта топшириш учун кураш олиб бормоқдалар.

Илғор районлар йиғим-терим ишларини пухта уюштириб, давлатга қўшимча пахта топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб адо этдилар. Ғиллик плани 110,24 процент бажарган Ўртасарой районининг пахтакорлари давлатга пландан ташқари 1600 тонна пахта топшиндилар. Ҳарбир гектар ердан 33,5 центнердан ҳосил етиштириб, республикада юқори ҳосилли район деб ном чиқарган Оржоникидзе районининг азамат пахтакорлари пландан ташқари 1000 тонна қўшимча пахта топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятни 1400 тонна қилиб бажардилар.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқлар ҳам қувончлидир. Область колхозлари қанот ва жут топшириш планини 120 процент қилиб бажардилар. Давлатга ўтган йилгига нисбатан 24 минг тонна кўп қанот ва жут топширилди. Ғалла, шоли, сабзавот, картошка, узум, полиз экинлари, қоракўл, жун, хом тери ва мўйна топшириш планлари ошириб бажарилди.

Область партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини бажариш учун курашиб, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш, жамоат чорва моллари сонини кўпайтириш соҳасида ҳам катта ишлар қилдилар.

Броқ, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ютуқлар олдида мағрурланмаслик керак, деб та'лим беради. Биз эришилган муваффақиятларимизга якун ясар эканмиз, қишлоқ хўжалигини янада зўр бериб ривожлантириш соҳасида ҳал қилинмаган вазифаларга э'тиборни жалб қилишимиз керак.

Областимиз қишлоқ хўжалиги олдида ғоят катта вазифалар турипти. Бу вазифалар хўжалиқ йилини муваффақиятли якунлашдан, далада қолган бутун ҳосилни сўнгги граммигача сра нобуд қилмай йиғиб-терий олишдан, давлатга пландан ташқари камида 15 минг тонна пахта топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини та'минлашдан, келгуси йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин ҳозирлашдан ва чорва қишловини намунали ўтказишдан иборатдир.

Лекин, шунга қарамай сўнгги кунларда область колхоз ва совхозларида қишлоқ хўжалик ишларининг сур'ати анча бўшашиб кетди. Айниқса Пискент, Юқоричирчиқ, Бўка, Октябрь ва Янгийўл районлари план бажарилгандан кейин давлатга пахта топширишни сусайтириб юбордилар. Бу районларда ҳечбир асоссиз беғамлик ва хотиржамлик кайфияти юз бермоқда, даладаги ҳосилни сўнгги граммигача нобуд қилмай тезроқ йиғиб олиб, келгуси йил мўл ҳосили учун курашга қат'иятлик блан киришилмаётир. Район раҳбарлари мавжуд бўлган ҳамма имкониятлардан, моддий-техника ресурсларидан ва ишчи кучларидан старли фойдаланмаётирлар, ўз планини бажариб, эришилган дастлабки ютуқлар блан мағрурланиб кетган, бундан кейинги ишларга бепарво қараётган айрим колхоз раҳбарларига нисбатан келишучилик қилиб келмоқдалар.

Ўртачирчиқ ва Оққўрғон районларининг ба'зи колхозларида, Боёвут группасидаги совхозларда пахта нобудгарчилигига йўл қўйилмоқда. Пахтанинг бир граммини ҳам нобуд қилиш — жиноятдир. Республикамизда пахта тайёрлаш планининг муваффақиятли бажарилиши ғўза тупларидаги ҳосилнинг ҳаммасини сра нобуд қилмай тўла-тўкис йиғиб олиб давлатга топширишга боғлиқ бўлиб қолди. Шунинг учун ҳарбир картадаги пахтани охирги чигитигача қолдирмай терий олгунга қадар йиғим-теримни тўхтатмаслиқ керак. Ғўзаларни юлиш қизғин давом этаётган ҳозирги вақтда ҳосилнинг тозалаб териб олиниши устидан контрольликни янада кучайтириш лозим.

Ҳозирги кунлар келгуси йилда пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалиқ экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун экин майдонларини шудгорлаб қўйишнинг энг қулай ва мас'улиятли давридир. Броқ, областимизда кузги шудгорлашнинг бориши талабга мутлақо жавоб бермайди. Бошқа областьларга қарагандa жуда катта имкониятларга, етарли ишчи кучи ва кучли трактор паркига эга бўлган Тошкент областида 20 декабрьгача кузги шудгорлаш планининг фақат 50,9 процент бажарилганлиги кечирилмаслиқ бир ҳолдир.

Бутун ҳосилни тезроқ йиғиб-терий олишни тугаллаш блан бирга келгуси йилда мўл ҳосил етиштириш учун тайёргарликни ҳартомонлама қизитиб юбориш — ҳозирги кундаги энг муҳим ва асосий вазифадир. Ўтган йил ноябрь ойида пахтачилик бўйича Тошкентда бўлиб ўтган кенгаш қатнашчилари ҳам кузги шудгорлаш масаласига жуда катта аҳамият берган эдилар. «Биз, — дейилган эди кенгаш қатнашчиларининг Мурожаатида, — кузги шудгорнинг аҳамиятига ҳануз етарли баҳо берилмаётганлигига ва шу сабабдан шудгор қилиш юзасидан белгиланган топшириқларнинг бажарилмаётганлигига йўл қўйиш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз.

Биз, МТС ва совхозларнинг барча ишчилари ва мутахассисларини шудгор қилиш, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонти сур'атини тезлатиш ҳамда сифатини яхшилашга чақирамиз. Барча колхозларда кузги шудгор планини бажариш учун МТС ходимлари далаларни тозалаш, ғўзапояларни йиғиштириб олиш ишларини уюштиришда колхозларга ҳартомонлама ёрдам беришлари керак. Колхоз правлениелари, далачилик бригадалари ва трактор бригадаларининг бошлиқлари, МТС ва совхоз агрономлари кузги шудгорнинг юқори сифатли қилиб ўтказилишини та'минлашлари зарур».

Областимиз қишлоқ хўжалиги кўптармоқлидир. Бу эса партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларидан сабзавот ва луб экинларининг ҳосилини ошириш, чорвачилик, боғдорчилик ва дон хўжалигини ривожлантириш, шаҳар меҳнаткашларини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари блан та'минлаб туриш соҳасида олиб борилаётган ишларни янада яхшилашни, қишлоқ хўжалигини комплекс юксалтириш учун амалий раҳбарликни кучайтиришни талаб қилади.

КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан қабул қилган қарорларидан илҳомланган областимиз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида зўр ғайрат ва юксак ижодий кўтарилиш блан меҳнат қилмоқдалар. Қишлоқ меҳнаткашларининг ғайрат ва ташаббусига бошчилик қилиш, улар ўртасида социалистик мусобақани кенг ривожлантириш — партия ташкилотларининг шарафли бурчидир.

Социалистик қишлоқ хўжалигини янада зўр бериб юксалтириш учун астойдил курашайлик, қишлоқ меҳнаткашларининг бугун куч ва ғайратини мамлакатга тоборо кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун курашга сафарбар этайлик!

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ С. К. КАМОЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Собир Камолович **Камолов** Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1955 йил, 22 декабрь.
Тошкент шаҳри.

КПСС XX с'езди шарафига

☆ ☆ ☆ ☆

Ленинград ва Ленинград области саноати 1955 йилги давлат планини муддатидан илгари бажарди

ЛЕНИНГРАД, 22 декабрь. (ТАСС). Ленинград ва Ленинград области саноат корхоналари ҳамда транспорт коллективлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг социалистик саноатни, биринчи навбатда оғир саноатни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажараборив, КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақани кенг қизитиб юбориш асосида 1955 йил давлат планини муддатидан илгари ялпи маҳсулот ишлабчиқариш бўйича 14 декабрьда ва буюмларнинг жуда муҳим турларининг кўпчилиги бўйича 20 декабрьда бажардилар.

Саноат ишлабчиқаришининг ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 9 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги юзасидан берилган топшириқ 4,4 процент ошириб бажарилди. Маҳсулот таннархини пландан ташқари камайтириш натижасида 500 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тежалди. Электр қуввати ўтган йилдагига нисбатан кўпроқ ишлаб чиқарилди, пўлат, қора ва рангли металлар прокати ишлаб чиқариш ошди, торф ва сланец кўпроқ олинди, гидровлик ва буғ турбинлари, турбогенератор ва гидрогенераторлар, металл қирқиш станоклари, юқоривольтли электр ускуналари, резинатехника буюмлари, электр кабели, асбоблар ва бошқа маҳсулотлар ишлабчиқариш кўпайди.

Ялпи маҳсулотнинг умумий ҳажми 1955 йилда 1950 йилдагига нисбатан 80 процент, машинасозлик ва станоксозлик бўйича — деярли 2,5 баравар, қора металлургия бўйича — 2 баравар, рангли металлургия бўйича — 2,5 баравар кўпайди.

Завод ва фабрикалар коллективи партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажараборив, қишлоқ хўжалик машиналарига запас қисмлар тайёрлаш ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажардилар.

Октябрь магистралининг темирйўлчилари ўз ишларини яхшиладилар. Бир суткада ўртача юк ташиш ўтган йилдагига нисбатан 8 процент ортди. Оғир юкли поездларда белгиланган нормадагидан ташқари 15 миллион тоннадан кўпроқ юк ташилди. Ғарби-Шимолий дар'ё кемачилиги юк ташиш планини, денгиз савдо порти эса, юк ортиш ва туширишни планини бажардилар. Автомобиль транспорти блан юкларни марказлаштирилган тартибда ташиш 3,5 баравар ортди. Ленметрострой В. И. Ленин номли Ленинград метрополитенининг биринчи навбатини ишга туширди. Главленинградстрой трестлари уй-жой қурилишига маблағ сарфлаш планини бажардилар.

1955 йил давлат планини муддатидан илгари бажарган илғор корхоналар орасида Киров, Ленин номли Нева машинасозлик заводлари, «Севкабель», «Светлана», «Красная заря», «Электроаппарат», «Электрик», пўлат прокат ва Молотов номли сим-арқон заводлари, Ворошилов номли, Лепсе номли заводлар, Волхов алюминий заводи, Тихвин лой-тупроқ заводи, резинали техник буюмлар заводи, экскаватор, шина, «Эконамайзер» заводлари, Тельман номли техник мовутлар комбинати, «Скороход» фабрикаси ва бошқа корхоналар бор.

Техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга ва планнинг муддатидан илгари бажарилишига шаҳар ва область меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини бажариш учун зўр бериб курашганликлари натижасида эришилди. Ленинград саноат корхоналарининг ходимлари илмий-текшириш ва проект институтларининг коллективлари блан яқин ҳамкорликда илғор технология ва янги техникани ўзлаштириш ва буларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш юзасидан катта иш олиб бормоқдалар. Янги машиналар ва механизмлар, шу жумладан Куйбишев ГЭСи учун қудратли гидравлик турбиналар, гидрогенераторлар ва турбогенераторлар, юқори унумли станоклар, энг янги асбоблар ва бошқа асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

КПСС XX с'езди шарафига йиллик программани муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақада кўпгина янги ватанпарварлик ташаббуслари юз берди, юқори меҳнат унумдорлиги намуналарини кўрсатаётган минглаб илғорлар ва ишлабчиқариш новаторлари етишди чиқди. Машҳур новаторлардан Зайченко, Леонов, Лалетин, Карасев, Лепилин, Материкова ўртоқлар блан бир қаторда ишлабчиқариш илғорларининг янги кадрлари — Киров заводининг пўлат қуючиси ўртоқ Маслаков, фрезерчи Загорский ва Гостев ўртоқлар, токарь ўртоқ Гусев, Ижора заводининг темирчилари Костромитин ва Стальмакович ўртоқлар, Сталин номли заводнинг рандаловчилари Васильев ва Сердюк ўртоқлар, Молотов номли заводнинг слесари ўртоқ Суряхин, шахтёр-проходчик ўртоқ Масляников, Петр Анисимов номли фабрика йигиручиси ўртоқ Белябина ва «Октябрьская» фабрикасининг йигиручиси ўртоқ Мошникова ва бошқалар етишиб чиқдилар.

Шаҳар корхоналарининг ишчилари ва инженерлари, техниклари ва хизматчилари олтинчи бешйиллик план проектларини тузишда ва муҳокама қилишда актив қатнашдилар. Маҳсулот ишлабчиқаришни оширишга, меҳнат унумдорлигини янада ортиришга, янги техника ва технологияни жорий қилишга, ишлабчиқаришни ташкил этишни яхшилашга ва ички резервлардан максималь даражада фойдаланишга қаратилган кўпгина муҳим таклифлар киритдилар. Бирқанча корхоналарда бешйиллик мобайнида маҳсулот ишлабчиқаришни бирярим-икки баравар кўпайтириш мўлжалланади.

Ленинград ва Ленинград области саноатининг ҳамда транспортининг ишида шунинг блан бирга жиддий камчиликлар ҳам бор. Бирқанча корхоналар маҳсулот ишлабчиқариш давлат планини бажармаётир ва номенклатура бўйича берилган топшириқни адо этмаётир. Ба'зибир корхоналар прогрессив технологияни суст жорий қилмоқдалар, ички резервлардан етарли фойдаланмаётирлар, ҳали ҳам бир ме'ёрда ишламаётирлар.

Ленинград ва область меҳнаткашлари партия XX с'езди олдидан саноатни янада тараққий этдириш, маҳсулот ишлабчиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги техникани тезроқ ижод қилиш ва уни ўзлаштириш, маҳсулот сифатини ошириш ва материалларни тежаш учун барча куч-қувватларини сарфламоқдалар. Ленинград саноати йил охиригача пландан ташқари 43 минг тоннадан кўпроқ пўлат ва прокат, таз турбинаси, ҳаво пуфлайдиган турбомашиналари, 70 дан ошиқ пойафзал ва тўқимачилик машинаси, 200 минг квадрат метр транспортёр тасмаси ва машиналарни ҳаракатга келтируви қайиш, 120 километр электр кабели, 1,6 миллион жуфт чарм оёқ кийим, 1,5 миллион жуфт резина оёқ кийим, 5,5 миллион метр ип-газлама ва жун газлама ишлаб чиқаради.

1955 йилда пойафзал фабрикалари 23 миллиондан кўп квадрат дециметр кўн товорлари тежадилар, бундан 676 минг жуфт оёқ кийими тикилди. Тўқимачилик саноатида 728 тонна пахта тежалди. Тежалган пахтадан қўшимча равишда 3.342 минг метр газлама ва 22 миллиондан ошиқ галтак ип ишлаб чиқарилди.

Ленинградлилар КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг саноатни янада юксалтириш ва техникани янада тараққий этдириш юзасидан чиқарган қарорларини шараф блан бажармоқ учун барча куч-қувватларини ва билимларини сарфлайдилар.

Шаҳар қурилиш трести коллективининг муваффақияти

Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли Тошкент шаҳар қурилиш трестининг бошқармалари капитал қурилиш бўйича йиллик давлат планини муддатидан 16 кун олдин 102,2 процент қилиб бажардилар. Қурилиш-монтаж ишлари ўтган йилнинг худди шу муддатидагига қараганда 8 миллион сўмлик кўп бажарилди. Юқори даражадаги механизациянинг кенг қўлланилиши натижасида меҳнат унумдорлиги 8,5 процент ортди, бетон ва темирбетон маҳсулотлари ўтган йилдагига нисбатан 10,6 баравар кўп ишлаб чиқарилди.

Йил давомида 10 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой, 800 бола ўқийдиган 3 та мактаб фойдаланишга топширилди.

Шаҳар қурувчиларининг қатта ютуғи яна шундан иборатки, трест бўйича бинокорлик ишларининг баҳосини камайтириш ҳисобига 2 миллион 310 минг сўмлик жамғарма берилди.

Трест коллективи қўлга киритилган ютуқлар блан кифояланиб қолмай, КПСС XX с'езди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIII с'езди шарафига янги, оширилган мажбурият қабул қилди. Илғор қуручилар йил охиригача планга қўшимча равишда 5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш, бирнеча уй-жой ва маданий-маиший биноларни фойдаланишга топшириш учун ўзаро социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар.

М. БЕРЦИНСКИЙ,
Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрининг ёрдамчиси.

Давлат маблағи тежалмоқда

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Проектлаш ва қурилишдаги ортиқчаликларни йўқотиш» тўғрисидаги қарори асосида «Тошгорпроект» қурилабошланган об'ектларнинг проектларини қайтадан кўриб чиқмоқда.

Тошкентда қурилаётган айрим об'ектлар проектидаги ортиқчаликлар қисқартирилаётир. Жумладан, Беш'ёғоч майдонида қурилаётган кўпқаватли уйлар проекти кўриб чиқилганида, 200 минг сўмлик ортиқча ҳаражатлар қисқартирилди. Шунингдек, Тошкент лак-бўёқ заводи ишчилари учун қурилаётган 58 квартирали, Полиграф кўчасидаги 33 квартирали, Ново-Московская кўчасидаги 58 квартирали уй-жойлар проектлари қайта кўрилганда, уларнинг карнизларини соддалаштириш ва ортиқча ҳашамларини қисқартириш ҳисобига қурилиш баҳоси арзонлаштирилди.

Проектларни қайта кўриб чиқиш натижасида бирнеча қурилиш об'ектларининг ўзидагина бир миллион сўмга якин давлат маблағи тежалди. **И. ЗИМОН.**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛҒОРЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

(БОШИ ГАЗЕТАМИЗНИНГ 22 ДЕКАБРЬ СОНИДА)

Қирғизистон ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ А. Суерқуловдан сўнг Қашқадар'ё область, Китоб районидаги Хрушчев номли колхознинг раиси ўртоқ **Д. Маҳмудов** сўз олади. Ўртоқ Маҳмудов айтадики, колхозимиз бу йил агротехниканинг янги, прогрессив усулларини қўлланиб, 800 гектар ернинг ҳар гектаридан 44 центнердан пахта олди. Пахтачиликдан ва жамоат хўжалигининг бошқа тармоқларидан 15 миллион сўм даромад олинди. Ҳарбир меҳнат кунига 20 сўмдан пул ва 5 килограммдан ғалла тўғри келди.

Муваффақият қозонишимизнинг муҳим шарти шу бўлдики, деди ўртоқ Маҳмудов, биз ўтган йили бутун пахта майдонини 28—30 сантиметр чуқурликда шудгор қилдик, шудгорлаш олдидан етарли миқдорда далаларга маҳаллий ва минерал ўғитлар солдик. Ҳозир биз келгуси йилда ҳам мўл ҳосил етиштириш учун зўр бериб тайёргарлик кўрмоқдамиз. Кузги шудгорлаш 15 декабрьда тамомланди. Ҳозирги вақтда далаларда бошқа қишки ишларни ҳам бажармоқдамиз.

Ўртоқ Маҳмудов залдагиларнинг қарсаклари остида бундай деди:

— Биз, 1956 йилда ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта етиштиришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик. Мен кенгаш қатнашчиларини колхозимизнинг а'золари номидан ишонтириб айтаманки, бу мажбурият шараф блан бажарилади. Мен Ҳамроқул Турсунқулов раислик қилаётган Каганович номли колхозни социалистик мусобақага чақираман.

Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалик министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ **Г. С. Исмоилов** қардош Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалиги илғорларини Озарбайжон меҳнаткашлари номидан қизғин табриклайди.

Озарбайжон ва Ўзбекистон пахтакорлари ўртасида кўпдан буён мустаҳкам дўстлик ўрнатилган. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақа ўтказиш одат бўлиб қолди. Бу йил Ўзбекистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадалари Озарбайжонга икки марта келдилар, ғўзани намунали парвариш қилишда, илғор агротехника усулларини кенг жорий қилишда колхозчиларга, механизаторларга, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига катта амалий ёрдам бердилар. Пахтакорларнинг фидокорона меҳнат қилишлари натижасида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозир пахта тайёрлаш давлат плани бажарилай деб қолди.

Ўртоқ Исмоилов илғор районлар, колхозлар, бригадалар ва звеноларнинг амалий ишларидан кўп мисоллар келтириб, қардош Озарбайжон пахтакорлари пахтачиликни янада юксалтириш учун катта имкониятларга эга эканликларини та'кидлайди. Бу йил кенг майдонларда ғўзани квадрат-уялаб жойлаштириш та'минланди. Ғўза ўз вақтида ва яхши сифатли қилиб иккитомонга қаратиб парвариш қилинган ҳамма участкаларда одатдаги экиш усулига қараганда кўпроқ ҳосил олинди.

Илғорларнинг тажрибалари, деди ўртоқ Исмоилов, келгуси йилда ғўза тупларини 50 х 50 ва 60 х 60 сантиметр схемалари бўйича квадрат-уялаб жойлаштириш усулига тамомила ўтиш зарур эканлигини кўрсатди. Республикамизнинг шароитида бу усуллар жуда мақбул деб ҳисобланади.

Ўртоқ Исмоилов айтадики, СССР Қишлоқ хўжалиқ министрлиги ва Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги ғўзани квадрат-уялаб парвариш қилиш учун зарур бўлган янги машиналар ишлаб чиқаришни тезлаштириш учун қат'ий чоралар кўришлари керак.

Ўртоқ Исмоилов сўзининг охирида Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Зақавказье қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўртасидаги социалистик мусобақани келгуси йилда давом этдиришни Озарбайжон ССР пахтакорлари делегацияси номидан таклиф қилади ва кенгаш қатнашчиларини ишонтириб айтадики, Озарбайжон пахтакорлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф блан бажарадилар.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ **П. Сеитов** сўзга чиқади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Бунинг учун Қорақалпоғистонни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Қорақалпоғистон ҳар йили кўп миқдорда тракторлар, пахта териш машиналари, экскаваторлар, землесослар, автомашиналар ва минерал ўғитлар олмоқда.

Республика меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида анча иш қилдилар. Бу йил қорамол ва майда моллар сони кўпайди, давлатга ўтган йилдагидан анча кўпроқ ғўшт, сут, тухум ва жун топширилди.

Ўртоқ Сеитов э'тироф қилиб айтадики, республика қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган кўп резервлардан ҳали яхши фойдаланилмаётир.

— Пахтачиликни янада ривожлантиришга бағишлаб ўтган йили Тошкентда ўтказилган кенгашда, — дейди ўртоқ Сеитов, — пахта етиштиришнинг прогрессив методларини жорий қилиш йўллари белгиланди. Аммо, партия, совет ва қишлоқ хўжалиқ органлари ана шу кенгашда белгиланган тадбирларни тўла равишда амалга ошириш учун зарур ишларни бажармадилар. Бунинг натижасида республика пахта тайёрлаш планини бажармади. Ба'зи ходимларимиз ҳам ҳосил етиштирилганлигига барвақт совуқ тушганлигини сабаб қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Агротехника қоидаларига риоя қилинмаганлиги пахта тайёрлаш планининг бажарилмай қолаётганлигига асосий сабабдир. Масалан, чигит 20—30 кун кечикиб экилди. Ирригация шохобчаларини тозалаш, ер ҳайдаш ва бошқа тайёргарлик ишлари ўз вақтида бажарилмади.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари ана шу хатоларга бундан буён йўл қўймаслик учун тегишли чоралар кўрмоқдалар. Келгуси йил кўкламида чигитни энг қулай муддатларда ва агротехника жиҳатидан юксак даражада экиш учун ҳозирги вақтда республикамизда бирқанча тадбирлар амалга оширилмоқда. 20 декабрьгача пахта майдонининг 50 процента шудгор қилинди, ирригация шохобчаларини тозалашда 2,5 миллион кубометр ҳажмида ер ишлари бажарилди. Машиналарни экиш олдидан ремонт қилиш ва тайёрлаш ҳам муваффақиятли бормоқда.

Ўртоқ Сеитов олимлар шимолий группадаги районлар учун пахтанинг янги сортини етиштириш блан жиддий суратда шуғулланишлари ва уни етиштириш агротехникасини ишлаб чиқишлари керак эканлигини та'кидлайди.

— Қорақалпоғистон колхозчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва МТС ходимлари, — дейди сўзининг охирида ўртоқ Сеитов, — 1956 йилда пахта тайёрлаш планини бажариш блан бирга, бу йилги қарзни ҳам узишга қарор бердилар.

Тошкент область, Оржоникидзе район партия комитетининг секретари ўртоқ **К. Тошпўлатова** пахта етиштиришдаги янги методларнинг катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида, район партия ва совет ташкилотларининг прогрессив агротехникани кенг жорий қилиш соҳасида кўраётган тадбирлари ҳақида гапиради.

Район колхозчилари, МТС ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС XX с'езди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIII с'езди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта тайёрлаш планини 10 ноябрьда, я'ни ўтган йилдагидан 45 кун илгари бажардилар. Ҳозиргача пландан ташқари 1.400 тонна пахта топширилди. Ҳар гектар ердан 33,5 центнердан пахта олинди.

Район колхозчилари ва МТС ходимлари келгуси йилда мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам асос яратишга интилиб, пахта майдонининг ҳаммасини юқори сифатли қилиб шудгорладилар. Кўклам экиши олдидан бошқа тайёргарлик тадбирлари ҳам кўрилмоқда.

— Районимизнинг пахтакорлари, — дейди ўртоқ Тошпўлатова, — 1956 йилда ҳар гектар ердан 36 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олдилар.

Район қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ҳам анча кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Ҳар 100 гектар экинзор ҳисобига 46,5 центнердан ғўшт, 129 центнердан сут ва 1.021 граммдан жун олинди. Бу йил сут ва ғўшт тайёрлаш ўтган йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд ортди.

Ўртоқ Тошпўлатова ўз нутқида райондаги ҳамма колхозларда алмашлаб экишни тез жорий қилиш зарур эканлигини айтади. Районимиз учун ҳар йили белгиланаётган экиш планлари алмашлаб экишни жорий қилишга имкон бермайди, ҳолбуки, алмашлаб экишни жорий қилмай туриб, ҳосилни ошириш қийин.

Хоразм область партия комитетининг секретари ўртоқ **М. Раҳмонов** айтадики, пахта етиштиришда прогрессив агротехника методларини қўлланиш пахтачиликни ва колхоз ишлабчиқаришининг бошқа тармоқларини ривожлантириш масалаларини тўғри ҳал этиш имконини беради. Фактлар шуни кўрсатадики, ғўзани квадрат-уялаб жойлаштирган ва узунасига ҳамда кўндалангига культивация қилган колхозлар мўл ҳосил етиштирдилар, давлатга пахта топшириш планини ошириб бажардилар ва шу блан бирга, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари соҳасида, чунончи чорвачилик соҳасида яхши кўрсаткичларга эгадирлар.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Қишлоқ хўжалик илғорларининг республика кенгаши

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Биэнинг областимиз бу йил пахта тайёрлаш планини бажармади. Бунга сабаб шуки, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари мавжуд моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан тўла фойдаланолмадилар. Областдаги кўпгина ходимлар, чунончи Мангит, Янгибозор, Гурлан районларининг ходимлари колхозларга раҳбарлик қилишнинг нотўғри услубига ҳали ҳам барҳам берган эмаслар.

Ўртоқ Раҳмонов қолоқ районларни илғорлар қаторига кўтариш масалалари блан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда область ташкилотларига яхши ёрдам бермаётганликлари учун республика қишлоқ хўжалиги министрлиги ва сув хўжалиги министрлигининг раҳбарларини танқид қилади.

Областдаги колхозларда ва МТСларда деҳқончилик маданиятини юксалтириш учун конкрет тадбирлар белгиланмоқда. 1956 йилда бутун экин майдонида чигит торқаторлаб экилади, экин майдонининг 70 процентида эса чигит квадрат-тўғри бурчак-уялаб экилади ва гўза иккитомонга қаратиб парвариш қилинади. Хоразм областининг колхозлари ирригация шохобчаларини тозалаб бўлдилар, гўзапояларни йиғиштириб олишни тамомламоқдалар.

Ўртоқ Раҳмонов кенгаш қатнашчиларини ишонтириб айтдики, Хоразм областининг механизаторлари пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш соҳасида партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун зўр ғайрат блан кураш олиб борадилар.

Ўртоқ **А. З. Ниёзовга** сўз берилади. КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг кенгашда сўзлаган нутқида республика қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги ишларнинг программаси белгиланиб берилганлигини қайд қилиб ўтди, у.

Келгуси қишлоқ хўжалик йилига тайёргарлик ишларини қизитиб юбориш блан бирга бутун куч ва воситаларни пахта ҳосилини оширишдан иборат асосий вазифани ҳал этишга сафарбар қилиш керак. Республикада пахта ҳосилининг бирнеча йиллар бери бир даражада қолиб келаётганлигини нормал бир ҳол деб бўлмайди.

Ўртоқ Ниёзов пахта етиштиришни кўпайтириш резервлари тўғрисида гапириб, қолоқ колхозларни илғорлар даражасига кўтаришнинг ҳал қилучи аҳамиятини уқтириб ўтди.

Ўртоқ Ниёзов бирқанча мисоллар келтириб, пахта етиштиришнинг гўза қатор ораларини икки томонга қаратиб ишлашни максимал даражада механизациялаштиришга асосланган янги агротехника усулларини кенг равишда жорий қилиш йўли блангина гўза парваришининг барча циклларини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказиш вазифасини ҳал қилиш, мўл ҳосил тўпланишини ва пахтанинг эрта муддатларда очилишини та'минлаш мумкин эканлигини кўрсатиб беради.

Ўртоқ Ниёзов чорвачиликка раҳбарликни кучайтириш, ирригация қурилишини тезлатиш зарурлигини айтди. У пахта-беда алмашлаб экишга мақкажўхори экинини жорий қилиш тўғрисидаги таклифларни бутун чоралар блан қўллаб-қувватлаш зарур, деди. Шу тадбир ҳисобига далаларнинг унумдорлигини оширибгина қолмай, шу блан бирга чорвачиликнинг ем-ҳашак базасини мустаҳкамлаш ҳам мумкин.

Кенгаш қатнашчилари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советига мактуб юбориш тўғрисида таклиф тушди. Кенгаш қатнашчилари бу мактубни гоят баланд руҳ блан қабул қиладилар. Мактубда республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг 1956 йилги мажбуриятлари баён қилинган.

Шундан кейин Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети ва Узбекистон КП Марказий Комитетининг ҳар гектар ердан ўттиз центнер ва ундан ҳам кўпроқ пахта олган колхозлар ҳамда совхозларга Қизил байроқ бериш тўғрисидаги қарори ўқиб эшитдирилади.

Кун тартибидаги масалалар кўрилиб бўлди. Раислик қилучи — Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ш. Р. Рашидов залдагиларга қарата қисқача нутқ сўзлайди.

— Бизнинг кенгашимиз, — дейди Ўртоқ Рашидов, — республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун курашда шубҳасиз муҳим фактор бўлди. КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Никита Сергеевич Хрушчевнинг нутқи ҳарбиримизнинг ишимиз учун қўлланмадир. Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Ўртоқларнинг кенгаш ишларида қатнашганлиги Партия ва Ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари тўғрисида жуда катта ғамхўрлик қилаётганликларини исбот этади.

Партия ва Ҳукуматнинг ғамхўрлигига жавобан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш ва колхозчиларнинг фаровонлигини ошириш соҳасида янги муваффақиятларга эришиш — бизнинг ватанпарварлик бурчимиздир.

Далада қолган пахтани сўнгги кўраги ва сўнгги граммигача йиғиштириб олиш ва ҳеч нобуд қилмай тайёрлаш пунктларига топшириш — бизнинг жанговар вазифамиздир.

Кенгаш қатнашчилари — колхозларнинг раислари, совхоз ва МТС директорлари, партия ва совет органларининг раҳбарлари катта самарали иш қилдилар. Бу ерда сўзга чиққан ўртоқлар, қардош республикаларнинг вакиллари мавжуд камчиликларни тўғри танқид қилдилар, ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар, бирқанча муҳим таклифлар киритдилар. Бу ердаги фикр олишув олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли суратда бажаришга ёрдам беради.

Никита Сергеевич Хрушчев ўз нутқида чигитни квадрат-уялаб экишни пахта етиштиришдаги энг прогрессив метод деб ҳисоблаб, бу усулни ҳамма ерда жорий қилиш муҳим эканлигига э'тиборни жалб этди.

Ўртоқ Хрушчев бизнинг олдимизга квадрат-уялаб экиш усулларини колхозчиларга ва механизаторларга яхши ўргатиш, экиш арафасидагина эмас, балки қиш фаслида ҳам улар блан амалий машғулотлар ўтказиш вазифасини қўйди. Қадрларни яхши тайёрлаш — экишни муваффақиятли ўтказиш учунгина эмас, балки мўл ҳосил етиштириш учун ҳам ҳал қилучи шартдир. Область, район, МТС, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги илғорлари агротехника ўқувига кўпроқ э'тибор беришлари, кадрларимизни ўқитиш учун қиш фаслидан моҳирлик блан фойдаланишлари лозим.

Никита Сергеевич Хрушчевнинг бу кўрсатмасини бажариш — бизнинг бевосита бурчимиз, вазифамиз, шарафли ишимиздир.

Ўртоқлар! Республикамиз бу йил чорвачиликни ривожлантиришда дастлабки бирмунча муваффақиятларни қўлга киритди. Аммо эришилган муваффақиятлар олдимизда турган вазифаларга ҳали жавоб бермайди. Биз чорва моллар қишловини намунали ўтказишимиз, қорамол ва майда моллларнинг ҳаммасини тўла сақлашни ва чорвачилик маҳсулотларини оширишни та'минлайдиган зарур чораларни кўришимиз керак. Қишнинг қаттиқ келиши кутилади. Бу эса биздан пухта ишлашимизни ва чорвачиликка раҳбарлик қилишда гоят оператив чилик блан иш олиб боришимизни талаб этади.

Бизнинг олдимизда катта ва мураккаб вазифалар турибди. Ватанимиз биздан қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин суратда юксалтириш, улуғ, севикли Ватанимизнинг куч-қудратини янада ошнатиш ва мустаҳкамлаш учун қаҳрамонона меҳнат қилишни кутмоқда. Олдимизда турган вазифаларни шараф блан бажариш, Партия ва Ҳукуматнинг социалистик қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари тўғрисида тинчай қилаётган ғамхўрлигига муносиб ишлар блан жавоб қайтариш учун куч ва меҳнатимизни аямайлик!

Ўртоқ Рашидов Узбекистон қишлоқ хўжалиги илғорларининг кенгашини ёпиқ деб э'лон қилади. (УзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 22 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Ўртасарой	0,01	110,24	Сирдар'ё	—	103,36
Гулистон	—	108,62	Пискент	—	102,61
Ховос	—	108,62	Бекобод	0,12	102,42
Оржоникидзе	—	107,82	Бўка	—	101,52
Оҳангарон	—	106,47	Ўртачирчиқ	—	100,54
Октябрь	0,07	106,33	Верхне-волинск	—	100,39
Калинин	—	105,64	Чиноз	0,01	100,22
Мирзачўл	0,02	104,60	Оққўрғон	0,05	98,62
Янгийўл	0,01	104,53	Қуйичирчиқ	0,16	93,64
Юқоричирчиқ	—	103,62	Боёвут	0,02	86,70

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 22 ДЕКАБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
4-нчи Вревский	—	107,31	2-нчи «Далварзин»	0,15	92,33
16-нчи совхоз	0,02	100,06	1-нчи «Боёвут»	—	89,38
«Малик»	—	98,12	Кўқорол	—	85,43
1-нчи «Далварзин»	0,10	96,43	3-нчи «Боёвут»	0,08	84,11
17-нчи совхоз	0,16	95,61	2-нчи «Боёвут»	—	77,28
«УзССР бешйиллиги»	0,16	93,64	3-нчи Вревский	—	77,10
			10-нчи совхоз	—	74,80
3-нчи «Далварзин»	0,18	92,36	4-нчи «Боёвут»	—	71,01

Суратда: Ўрта Осиё политехника институти химия-технология факультетининг аспиранти Х. Қаюмова I курс студенти Н. Конюшко блан неорганик моддалар технологияси лабораториясида машғулот ўтказмоқда.

В. Салов фотоси.

Республика қўғирчоқ театрида

Тошкентдаги республика қўғирчоқ театрининг ижодий коллективи қишки каникул кунларида мактаб ўқучиларига намунали маданий хизмат кўрсатиш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Театр коллективи янги йилда ўқучи ўғил-қизларга «Алёшанинг янги йилдаги туши» ва «Зиёд ботир» янги спектаклларини кўрсатади. Ўқучилар каникул даврида қўғирчоқ театри саҳнасида «Сиҳрли калош», «Хушчақчақ айиқчалар», «Жонсиз Малика ва етти паҳлавон ҳақида эртак», «Золушка» ва бошқа спектакльларни ҳам тамоша қиладилар.

Бундан ташқари, театр коллективи шаҳардаги 99, 66, 80 ва 42-нчи ҳамда Қорасув, Калинин районларидаги мактабларга бориб, дам олаётган ўқучиларга ҳам маданий хизмат кўрсатадилар. Шунингдек, театр коллективи шаҳардаги заводларга, темирйўлчилар Маданият саройига бориб, ишчиларнинг ўқучи ўғил ва қизларига қизиқарли спектакльлар кўрсатади.

Мусобақа илғорлари

Шу йилнинг 3-нчи кварталида ишда яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун 2-нчи Янгийўл МТСи коллективига СССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи ва биринчи даражали пул мукофоти берилди.

Машина-трактор станцияси бу юксак мукофотни гўза парваришида прогрессив агротехника усулларини муваффақиятли жорий этилганлиги, трактор ишларини энг яхши муддатларда бажаргани, чорвачиликни ривожлантиришда юқори кўрсаткичларга эришгани ва колхозлар блан тузилган шартномада белгиланган бошқа тадбирларни ўз вақтида амалга оширгани учун олди.

И. ЮРОВСКАЯ,
И. АҲМЕДОВ.

Қисқа сатрларда

* **В. И. Ленин** номидаги Ўрта Осиё давлат университети студентлари учун Богдан Хмельницкий кўчасида 600 ўринли ётоқхона биноси қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Ётоқхона электр ва радио тўчкалар блан та'минланди. Буг блан иситиш трубалари ўтказилган. Ётоқхона ичида ошхона, ўқишхона ва медпункт бор.

С. Ғафуров.

* **Оржоникидзе** районидаги Троицк посёлкасининг меҳнаткашлари учун янги Маданият уйи қурилди. Маданият уйидаги ўқув зали, кутубхона ва кинолекторий қишлоқ аҳолисига маданий хизмат қилмоқда. Бундан ташқари «Қизил Узбекистон» колхози а'золари учун икки қаватли ҳаммом биноси қурилди. Шунингдек райондаги Сталин номли колхозга Бўзсув каналидан водопровод трубалари ўтказилиб, сув келтирилди. Қишлоқ аҳолиси водопровод сувлари блан тўла та'минланди.

С. Йўлдошбоев,
А. Имомов,
А. Латипов.

* **Бекобод** районидаги Ленин номли колхоз қишлоғининг қиёфаси йил сайин ўзгариб обод бўлмоқда. Шу йилнинг ўзида 350 ўринли клуб биноси қурилди. Клуб биноси партия ва ҳукумат раҳбарларининг портретлари ва пахтачиликка оид ҳархил шиорлар блан чиройли қилиб безатилган. Клубда колхоз а'золари ҳар куни ишдан сўнг маданий дам олмоқдалар, лекциялар тинглаб, ҳархил кинофильмлар кўрмоқдалар.

А. Абдураимов.

* **Сирдар'ё** районидаги Каганович номли колхоз правлениеси колхоз а'золарига янги уй-жой биноси қуриб олишлари учун яқиндан ёрдам бермоқда. Бу йил 200 дан ортиқ колхоз а'зоси янги уй-жой биносига кўчиб кирди.

Ж. Ҳакимов.

* **Оққўрғон** районидаги «Ленинобод» колхози қишлоғи йилдан-йилга кўркам ва обод бўлмоқда. Колхозда 100 бош қорамол сиғадиган бир молхона, чўчқахона ва ветеринария пункти қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

Д. Содиқов.

* **Қуйичирчиқ** районидаги Димитров номли колхозда электрлаштириш ва радиолаштириш ишига жиддий э'тибор берилмоқда. Колхознинг «Большевик» участкасидаги 120 дан ортиқ хонадонга радио тўчкалари ўрнатилди. Ҳозир ҳамма колхозчиларнинг уйлари радиолаштирилган.

А. Мирахмедов.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Саноатга партия раҳбарлиги савияси юқори кўтарилсин

Чирчиқ — республикамизнинг ёш, индустриал шаҳарларидан биридир. Шаҳарда социалистик қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг кўпгина тармоқлари учун турли хил машиналар, асбоб-ускуналар ҳамда компрессорлар ишлаб чиқаручи «Чирчиксельмаш», «Средазхиммаш», «Электрошчит» заводлари, гигант электрохимия комбинати каби кўпгина йирик корхоналар ва қурилиш ташкилотлари бор. Шаҳар саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашиб, дастлабки муваффақиятларга эришдилар.

Шаҳар партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари корхоналарнинг иқтисодиқаси блан дуруст шуғулланабошладилар. Ишлабчиқаришни ташкил этиш, янги техника ва илғор технологияни жорий қилишга э'тибор кучайтирилди, партиявий-ташкилий, партиявий-сиёсий ишлар савияси анча яхшиланди. Бу тадбирлар дуруст натижалар берди: шаҳар саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан бешинчи бешйиллик топшириғини муддатидан илгари — 18 ноябрьда бажарди. Бешйиллик мобайнида шаҳар саноат корхоналарининг ишлаб чиқараётган маҳсулоти деярли икки баравар ошди.

Шаҳар корхоналарида КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошириш учун кураш тобора кенг қулоч ёймоқда. Бешйилликнинг ўтган даври мобайнида ишчилар, инженер-техник ходимлардан 20 мингдан ортиқ рационализаторлик ва ихтиро'чилик таклифлари тушди ва уларнинг амалга оширилиши натижасида 45 миллион сўмлик маблағ иқтисод қилинди.

Ҳисобот докладини қилган шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ Савин ва конференция делегатлари шуни алоҳида та'кидлаб ўтдиларки, гарчан шаҳар корхоналари 11 ойлик давлат планини 100,8 процент қилиб бажарган бўлса ҳам, ҳали корхоналар ишида жиддий камчиликлар бор. Сталин номли электрохимия комбинати, Чирчиқ ГЭС каскади, «Средазхиммаш», ойна заводлари ва бошқа корхоналар номенклатура ва ассортимент бўйича шу йилнинг 11 ойлик топшириғини бажармадилар. Шунинг натижасида плондагидан 27 миллион киловатт-соат электр қуввати, 38 дона компрессор, химия саноати учун 2008 дона ускуна, 4000 дан ортиқ қишлоқ хўжалик машиналари, 214 минг квадрат метр ойна ва бошқа маҳсулотлар кам ишлаб чиқарилди.

Бу жиддий камчиликнинг юз беришига сабаб шу бўлдики, шаҳар партия комитети саноат корхоналарининг ишига ҳали ҳам ўртача кўрсаткичларга қараб баҳо бермоқда. Кўпгина корхоналарда янги техника ва илғор технологияни ишлабчиқаришга жорий қилиш учун кураш суст. Партия

Чирчиқ шаҳар партия конференциясидан

Марказий Комитети томонидан бирнеча бор қаттиқ қораланган штурмчиликка батамом хотима берилмаган. Шунинг оқибатида шаҳар корхоналари маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажармадилар.

Партия ташкилотлари ўзларининг иш услубларини жуда секинлик блан қайта қурмоқдалар. Улар корхона иқтисодиқасини чуқур ўрганиш, асосий камчиликларни аниқлаш ва уларни тугатиш учун зарур тадбирларни кўрмаётирлар.

«Средазхиммаш» заводи 11 ойлик планни бажармади. Корхонада шу йилнинг ўтган даври мобайнида брақдан 1 миллион 173 минг сўм зарар кўрилди. «Чирчиксельмаш» заводида бу кўрсаткич 1,5 миллион сўмни ташкил этади. Бундай жиддий камчиликлар «илғор» деб ҳисобланган бошқа корхоналарда ҳам бор.

Конференцияда шаҳар партия комитети ва унинг саноат бўлими (мудири Ўртоқ Поляков) ҳали ҳам эски услуб блан ишлаётганлиги учун қаттиқ танқид қилинди. Саноат бўлимининг ходимлари бошланғич партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бериш, уларнинг ишига жонли раҳбарлик қилиш ўрнига, кўпинча телефон орқали кўрсатмалар берадилар, кўп вақтларини умумий ишимизга ҳеч қандай фойда бермайдиган турли хил сводка ва справкалар тўплаш блан ўтказмоқдалар.

— Саноат бўлимининг иши, — деди КПСС Марказий Комитетининг электрохимия комбинатидаги партия ташкилотчиси Ўртоқ Климина, — ўтган конференцияда қаттиқ танқид қилинган эди. Лекин бўлим ходимлари бу танқидлардан тўғри хулоса чиқариб олмадилар. Ма'лумки, давлат плани — қонун, у ҳарқандай шароитда ҳам барча кўрсаткичлар бўйича бажарилиши лозим. Броқ шаҳар корхоналарининг бирортаси ҳам номенклатура планини бажармади. Шаҳар партия комитетининг ходимлари омма ўртасида жонли иш олиб бориш, уларнинг эҳтиёжларини ўрганиш, улар блан суҳбатлашиб туриш, ўз вақтида зарур маслаҳатлар бериш ўрнига кўпроқ кабинетдан туриб раҳбарлик қиладилар. Улар жойлардаги ҳақиқий аҳволдан етарли даражада хабардор эмаслар. Буни шу нарса блан исботлаш мумкинки, корхоналардаги кўпгина жиддий камчиликларни шаҳар партия комитетининг ходимлари обком ходимларидан эшитиб биладилар. Мен 7 ойдан бери шу комбинатда ишлайман. Лекин шу вақт ичида шаҳар партия комитети ходимларидан бирортаси ҳам комбинат партия комитетининг ишги блан чуқурроқ қизиқмади.

Конференцияда корхоналардаги партия группаларининг ролини оширишга алоҳида э'тибор берилди.

«Средазхиммаш» заводининг бош инженери Ўртоқ Жеребчукнинг сўзи конференция қатнашчиларини мутлақо қаноатлантирмади. У заводда планнинг бажарилмаётганлигига асосан нималар сабаб бўлаётганлигини танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташлаш ўрнига камчиликларни хаспўшлашга уринди, завод партия ташкилотининг иши ҳақида дом-мим демади.

— Заводимиз ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йиллик планни муддатидан илгари бажарган бўлса ҳам,—деди «Чирчиксельмаш» заводининг фрезеровщиги Ўртоқ Булигин, — ҳали ишимизда жуда катта қамчиликлар бор. Корхонада ишлабчиқариш процессларини комплекс механизациялашга етарли э'тибор берилмаётир. Бу камчиликлардан шаҳар партия комитетининг секретарьлари ҳам яхши хабардор. Броқ улар нечундир заводда кам бўладилар, ишчилар блан суҳбатлашмайдилар.

Шунингдек у, шаҳар партия комитетини социалистик мусобақага ва ишлабчиқариш илғорларининг тажрибаларини оммалаштиришга жиддий э'тибор бермаётганлиги учун танқид қилди.

Конференцияда партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни тубдан яхшилаш зарурлиги алоҳида та'кидлаб ўтилди. Шаҳар партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлими, бошланғич партия ташкилотлари партия маорифи шохобчаларида янги ўқиш йилига пухта тайёргарлик кўрмадилар, кўпгина партия кутубхоналари энг зарур адабиётлар блан тўла та'минланган. Пропагандистларнинг тажрибалари етарли оммалаштирилмаётир. Лекция пропагандасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Чунончи кўпчилик лекторлар фақат халқаро обзор темасида лекция ўқийдилар. Лекция пропагандаси кўп ҳолларда ҳаётдан ажралган ҳолда олиб борилмоқда.

Делегатлар шаҳар ижроия комитетини ободончилик, маданий-маиший муассасаларнинг ишини яхшилаш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётганлиги учун танқид қилдилар.

Конференцияда область партия комитетининг секретари Ўртоқ Попов нутқ сўзлади.

Конференция шаҳар партия комитетининг ишини қониқарли деб топди ва шаҳар партия комитети ҳамда ревизия комиссиясининг янги составини, область партия конференциясига делегатлар сайлади.

* * *

Шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Узбекистон КП шаҳар комитетининг секретарьлари қилиб И. Савин, Ю. Тудаков ва Ф. Ёқубов Ўртоқлар сайландилар.

И. СУЛАЙМОНОВ.

Ўртачирчиқ сабоқлари

Ўртачирчиқ район партия конференциясидан

Бу йил Ўртачирчиқ районининг пахта планини бажаришида пахтачиликни ривожлантириш юзасидан Тошкентда бўлиб ўтган кенгаш Мурожаатига амал қилиб, торқаторлаб ва квадрат-уялаб чигит экиш катта ёрдам берди. Янги, прогрессив методнинг изчиллик блан амалга оширилганлиги, шунинг натижасида қишлоқ хўжалик машиналаридан унумли фойдаланилгани учун бирқатор колхозларда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Пахта ҳосили ошди ва кўпгина меҳнат куни тежалди.

«Ленин йўли» колхозида 1625 гектар пахта майдонидан 27,5 центнердан ҳосил етиштирилди. Бу колхозда ҳар гектар ердан олинган ҳосил ўтган йилга нисбатан 2 центнерга кўпайди. Шунингдек, ҳар гектар ерга ўтган йилга нисбатан 7,76 ва бир центнер пахта учун 2,92 меҳнат куни кам сарфланди. Бу колхознинг кўпгина бригада ва звеноларида юқори ҳосил етиштирилди. Ўртоқ Г. Холматов бошлиқ бригадада 69 гектар майдоннинг ҳарбир гектаридан 32 центнердан, Қўшимов бошлиқ звеноза 49 центнердан пахта ҳосили олинди. Ворошилов номли, Куйбишев номли колхозларда ҳам юқори ҳосил етиштирган кўпгина бригада ва звеноларга бор.

Броқ райкомнинг ҳисобот докладини қилган район партия комитетининг секретари Ўртоқ М. Ғаниевнинг ва музокарада қатнашган делегатларнинг сўзларидан ма'лум бўлдики, районда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан қилинган ишлар ҳозирги талабларга мутлақо жавоб бераолмайди. Районда етарли миқдорда моддий-техника ресурслари ва катта имкониятлар бўлгани ҳолда, кейинги уч йил ичида пахтадан олинадиган ҳосил камайиб кетган. Агар бундан 2 — 3 йил илгари районда 20 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу йил ҳар гектар ердан 18,5 центнердан ҳосил олинди. Маленков номли, Энгельс номли, Хрушчев номли, Ильич номли колхозларда ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосили 11 — 13 центнерга тушиб қолган. Шолидан олинадиган ҳосил ҳам шу хилда камайиб кетган.

Бу районда пахтадан ва шолидан олинадиган ҳосилнинг бу зайлда камайиб кетишига колхоз Уставининг қўпол равишда бузилиши, колхоз мулки талон-тарож қилинаётганлиги сабаб бўлди. Район партия комитети, район ижроия комитети ва колхоз раҳбарлари колхоз Уставининг бузилиши каби фактларга муросасозлик блан қараб келдилар.

Энгельс номли колхозда 144 киши 0,12 гектардан томорқаси бўлгани ҳолда яна колхознинг 59,79 гектар ерига шоли экиб олган. Бундан ташқари тракторчилар, 2-нчи МТС ходимлари, 28-нчи мактаб ўқитучилари, касалхона ходимлари, сельпо, почта, қишлоқ Совети ва бошқа ташкилотларнинг ходимларидан 103 киши колхозга сра алоқалари бўлмагани ҳолда 24,87 гектар ерга шоли экиб олганлар. Колхоз раиси Пак Чен Ер, партия ташкилотининг секретари Пак Сен Дин колхоз мулкини кўз қорачиғидай қўриқлаш ўрнига уни талон-тарож қилиш учун эшикни кенг очиб қўйганлар. Бу колхозда Тен Гун Ир, Ким Хан-сеп, Ен Нер синтари коммунистлар ўз томорқаларидан ташқари яна колхознинг 0,25 — 0,27 гектар ерига шоли экиб фойдаланиб келганлар.

Колхоз манфаатига зарар етказиш Андреев номли колхозда ҳам рўй берган. «Узбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг раиси Пой Ин Гук, партия ташкилотининг секретари Омаров Ўртоқлар ҳам бундай ярамас аҳволга йўл қўйиб келганлар.

Конференцияда 2-нчи МТС директори Ўртоқ Г. Акопян сўзга чиқиб, бу МТС зонасидаги колхозларда пахтадан, шолидан олинадиган ҳосилнинг камайиб кетганлигига колхозларда меҳнат интизоми бўмашиб қолганлиги, колхоз Устави қўпол равишда бузилаётганлиги, айрим кишилар колхоз еридан ғайриқонуний равишда фойдаланиб ва меҳнат минимумини бажармай, колхоз хўжалигига иккитомонлама зарар етказаётганлари сабаб бўлаётир, деди.

Броқ, Ўртоқ Акопян колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш учун тегишли тадбирлар кўрилмаганлиги, айниқса қишлоқ хўжалик машиналаридан ёмон фойдаланиладаётганлигининг сабабларини айтиб бермади. Унинг сўзи умумий иборалардан иборат бўлди.

Куйбишев номли колхоз раиси Ўртоқ Кўлдошева бундай деди:

— Ўртоқ Акопян бу ерда колхозлардаги камчиликларни гапирди-ю, МТС ишидаги камчиликлар тўғрисида ҳеч нарса демади. Колхозларни қолоқликдан чиқаришнинг асосий воситаси бўлган машиналардан унумлироқ фойдаланиш мумкин эмасмиди? Бу МТС машиналардан фойдаланишда катта камчиликларга йўл қўйётир. Масалан, пахта териш машиналари бизга жуда зарур бўлгани ҳолда, юборилмади. Ваҳоланки ўша вақтда Маленков номли колхозда бирнеча пахта териш машинаси фойдаланилмай бекор турди.

2-нчи МТС зонаси бўйича райком инструктори Ўртоқ Ким сўзга чиқиб, қуйидагиларни айтди:

— Биз ҳар йили колхоз Уставининг бузилаётгани тўғрисидаги фактлар ҳақида конференция минбаридан гапириб келмоқдамиз. Лекин қилинган танқидлардан тегишли хулоса чиқарилмаётир. Масалан, Андреев номли колхоз раиси Ўртоқ Пак Геннадий шу гапларни жуда яхши биладию, броқ колхоз Уставининг бузилишига қарши кураш олиб бормайди. Район раҳбарлари колхозларга борганда фақат раислар блан сўзлашадилар. Район ижроия комитетининг раиси ва райкомнинг бюро а'зоси Ўртоқ Сотиболдиев колхозларга борганда райкомнинг инструкторлари блан ақалли сўрашмайди.

Конференцияда 16 киши сўзга чиқди. Сўзга чиққан делегатларнинг кўпчилиги район партия комитетининг колхозларга юзаки раҳбарлик қилиб, колхоз Уставининг бузилишига йўл қўйиб келганини танқид қилдилар.

— Бизнинг район пахтачиликда илғор район эди. Ҳозир эса колхозларимизда пахтадан кам ҳосил олинадиган бўлиб қолди, —деди Каганович номли колхоз ҳосилот советининг раиси Ўртоқ Исаев, — район раҳбарлари колхозларга узоқдан туриб, телефон орқали юзаки раҳбарлик қилмоқдалар. Колхозларимизда олмошлаб экиш амалга оширилмаётир. План тузилган вақтда бу тадбир ҳисобга олинмайди. Бизнинг колхоз район марказига яқин, шунинг учун биз район меҳнаткашларини сабзавот блан та'минлашимиз лозим. Броқ план нотўғри тузилгани учун ўзимиз колхозда туриб, ковун-тарвузни бозордан сотиб олмоқдамиз. Бундан ташқари ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш тўғрисида жиддий иш қилинмаётир. Канал қазилгандан кейин бизнинг ба'зи ерларимизда ерости сувлари яқин бўлиб қолди. Зовур қазиш, чала қолган зовурларни тозалаш учун экскаватор бериш тўғрисида ҳеч ким ўйламайди.

Конференцияда сўзга чиққан делегатлар район партия комитетининг фаолиятида юз берган бошқа камчиликларни ҳам очиб ташладилар. Айниқса район партия комитети коммунистларнинг колхоз ишлабчиқаришида авангард роль ўйнашлари тўғрисида, колхозчилар ўртасида оммавий сиёсий ишларни кучайтириш тўғрисида етарли иш олиб бормаган. Районда қишлоқ хўжалигига бевосита қатнашаётган коммунистларнинг сони жуда кам. Колхозларда 328 коммунист бўлса, шундан 85 киши бригада ва 26 киши звено бошлиғи бўлиб ишламоқда. Маленков номли колхозда 16 коммунист бор. Улар йил давомида колхоз ишлабчиқаришида 368 меҳнат куни ишлаган, холос.

— Кейинги вақтларда, — деди Пахтаобод қишлоқ Советининг раиси Ўртоқ Отаматов, — агитация-пропаганда ишлари юзаки ва расмият учун олиб борилмоқда. Колхозчилар ўртасида лекция камдан-кам ўқиладиган бўлиб қолди. Шунингдек, районимизнинг «Мўл ҳосил учун» газетаси колхоз ҳаётидан жуда кам материал бераётир. Бу газета ходимлари (редактори Ўртоқ Абдубакиров) нуқул область ва республика газеталарида босилиб чиққан, ҳамма ўқиб бўлган материалларни босиб чиқаришга одатланиб қолганлар.

Колхозларни қолоқликдан чиқаришда коммунистлар авангард бўлмаётирлар. Районда колхоз Уставининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйиб келинган. Колхозларда олмошлаб экишни амалга ошириш учун жиддий кураш йўқ. Планлаштириш ишларида катта камчиликлар бор. Айрим колхозларда ернинг мелиоратив аҳволини яхшилаш талбирлари кўрилмай келмоқда. Бундай фактларга райкомнинг иккинчи секретари В. М. Пягай, 2-нчи МТС зонаси бўйича райком секретари Отриченко, район ижроия комитетининг раиси Сотиболдиев Ўртоқлар бефарқ ва бюрократларча мас'улиятсизлик блан қараб келганлар.

Конференция район партия комитетининг янги составини, ревизия комиссиясини ва Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайлади. Райкомнинг янги состави конференцияда очилган камчиликдардан тегишли хулоса чиқариши лозим.

* * *

Район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум райкомнинг биринчи секретари қилиб М. Ғаниев, иккинчи секретари қилиб С. Ковешников ва МТС зоналари бўйича секретарьлари қилиб В. Исломов, В. М. Пягай Ўртоқларни сайлади.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Барча ҳосилни тезроқ йиғиб олиб, кузги шудгорни ҳартарафлама кучайтирайлик!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Сирдар'ёнинг илғор колхозида

Охунбоббоев номли колхоз Сирдар'ё районидаги йирик, юқориҳосилли колхоздир. Колхоз а'золари бу йил пахта етиштиришда янги, прогрессив усулни дадиллик блан қўлланиб, юқори ҳосил етиштираолдилар. Улар 1170 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31,5 центнердан ҳосил топшириб, планни муддатидан олдин бажарган эдилар. Колхоз а'золари Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон КП Марказий Комитетининг Мурожаатига жавобан давлатга пландан ташқари яна 200 тонна «оқолтин» топширишга аҳд қилган эдилар. Улар ўз аҳдларини шараф блан адо этиш учун барча имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланганлари ҳолда ғайрат блан меҳнат қилиб, қўшимча мажбуриятларини ҳам бажардилар. Ҳозир колхоз а'золари келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлаш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Шунингдек, райондаги «Малик» совхозининг ўртоқ Отабой Қозоқов бошлиқ бўлим коллективи пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан олдин бажарди. Бўлим ишчилари ҳозир келгуси йил мўл ҳосили учун курашни қизитиб юборишдилар.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
А. МИНЯЗОВ,
А. ҲАЙДАРОВ,
Қ. САРСОНБОЕВ.

Ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш пайсалга солинмаслиги керак

КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларига амал қилган Оққўрғон районидаги Сталин номли 16-нчи совхозининг ишчи,механизаторлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари жонажон партиямизнинг XX с'езди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, фидокорона меҳнат қилдилар, пахта тайёрлаш давлат планини 19 декабрьда 100,3 процент қилиб бажардилар. Давлатга топширилган пахтанинг 76 проценти отбор ва биринчи сортларга қабул қилинди. Ҳозир совхоз ишчилари давлатга пахта топширишни қизғин давом этдирмоқдалар.

Ўзаро социалистик мусобақанинг ғолиби, область Советининг депутати ўртоқ Вера Бороненко бошлиқ бригада а'золари пахтачиликда янги, прогрессив методни дадиллик блан қўлланиб, пахта етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар 87 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил топширишга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, Мавлон Расулев, Собиджон Геллиев ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари ҳам 29 — 30 центнердан ҳосил олиб, социалистик мажбуриятни шараф блан бажардилар.

Совхоз коллективи ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга пландан ташқари яна 250 тонна «оқолтин» топширишга аҳд қилди.

Ҳозир қолган ҳосилни сра нобуд қилмай йиғиб-териб олиш блан бирга, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаш мақсадида пахта майдонларини ғўзапоялардан тозалаш ва шудгорлаш ишлари кучайтириб юборилди.

Афсуски, шу совхоз блан қўшни, ер шароити бирхил бўлган 17-нчи совхозда аҳвол бутунлай бошқача, Совхоз раҳбарлари «пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажарамиз» деб бирнеча марта ва'да берганлар, аммо бу ва'далар амалга оширилмай, қуруқ ва'далигича қолиб кетмоқда. Совхоз шу кунларда давлатга йиллик планнинг 0,3 — 0,4 проценти миқдорида ва бундан ҳам кам пахта топшириб, ўз қўшнисидан орқада қолаётир.

Совхоз раҳбарлари (директори Аҳмедов, партия ташкилотининг секретари Живогладов ўртоқлар) «ишчи кучи етишмайди, шунинг учун план бажарилиши чўзилиб кетди», деб ўзларини оқлашга уринмоқдалар. Агар совхозлаги мавжуд ишчи кучларидан тўғри фойдаланилганда, меҳнат тўғри ташкил этилганда эди, план аллақачон бажарилган бўлар эди.

Шу кунларда ёрдамга келган 980 киши пахта ва кўрак термоқда, афсуски совхознинг ўз ишчилари теримга кам қатнашаётганлиги учун кўрак териш ва давлатга пахта топшириш юзасидан берилган топшириқ сурункасига бажарилмаётир.

Совхоз йиллик планни ва мажбуриятни бажарилиш учун давлатга яна 700 тонна пахта топшириши керак. Текширишда аниқланишича, совхоздаги 700 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан яна 2 — 4 центнергача, 600 гектаридан эса 4 — 6 центнергача пахта териб олиш имконияти бор. Ана шу имкониятларни ҳисобга олган совхоз ҳар куни 200 тонна кўрак теріб, давлатга 100 тоннадан пахта топшириши мумкин. Лекин, кўрак териш ва терилган кўракларни машинадан чиқариш ишлари яхши уюштирилмагани учун топшириқ бирор кун ҳам бажарилмаётир. Кўрак чувиш машиналари кўп вақт бекор туради. Чунки, машиналарга ўз вақтида кўрак етказиб берилмайди. Шунинг учун ҳам совхоз 32 тонна, ба'зан бундан ҳам оз миқдорда пахта топширмоқда. Жонқулов, Одилов ўртоқлар бошлиқ 3-нчи, 4-нчи бўлимларда аҳвол, айниқса ачинарли.

Биз 3-нчи бўлимнинг Қирқапа участкасида бўлдик. Бўлимнинг Ҳамдамов бригадасига қарашли 100 гектарлик картасида пахта бир марта машина блан терилган қолиб кетган. Ғуза тупларида 20—30 процент пахта турипти, аммо далада теримга қатнашаётган бironта ҳам одам кўринмайди. Пахтаси шу қадар кўп участка бўлатуриб, теримчилар ва ёрдамчилар ҳосили оз қолган ерларга юборилган. Шунинг учун ҳам бу бригада йиллик планини эндигина 68 процент миқдорида бажариб, совхозни ҳаддан ташқари орқага судрамоқда. Бўлим бошқарувчиси Жонқулов, партия ташкилотининг секретари Зубенко ўртоқлар бригада бошлиги Ҳамдамов сингари пахтани тезроқ териб олишга ўтакетган даражада мас'улиятсизлик блан қараб келаётган бригадирларга нисбатан ҳечқандай чора кўрмаётирлар. Бу бўлимда ишга кеч чиқиб, эрга қайтаётган ишчилар ҳам бор.

4-нчи бўлимнинг Сайдаҳмедов бригадасида ҳам пахта кўп бўлишига қарамай, сур'ат паст. Меҳнат жуда ёмон уюштирилган. Шуни ҳам айтиш керакки, 4-нчи бўлимдаги сушилкалар мунтазам ишламайди, ташкилий ишлар қониқарсиз уюштирилган, смена ўз вақтида алмаштирилмайди. Шу сабабли сушилка ва машиналар 1 — 2 соатлаб бекор туриб қолмоқда. Бундай аҳволни бошқа бўлимларда ҳам учратиш мумкин. Совхознинг ҳамма бўлимларида ҳам теримчилар кўп, аммо далада қолган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш ва мамлакатга қўшимча пахта бериш тўғрисидаги ва'дани шараф блан бажаришда жиддий силжиш йўқ. Бунинг устига ҳосилни териб олиш кечикаётганидек, шудгорлаш ҳам орқага сурилмоқда. Совхоз раҳбарлари ўз ва'даларига амал қилиб, ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш блан бирга келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлашлари зарур.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

1956 йилда гектаридан 30 центнер учун

Бекобод районидаги Ленин номли колхозининг ўртоқ М. Эрматов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг ватанпарвар а'золари шонли партиямизнинг XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, етиштирилган мўл пахта ҳосилини тезда йиғиб-териб олиш ва давлатга топширишда зўр ғайрат блан ишламоқдалар. Йигим-теримнинг дастлабки кунларидаёқ бригада а'золари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа қизитилиб, кўпмингчилар ҳаракати авж олдирилган эди. Натижада бригада а'золари йиллик пахта тайёрлаш давлат планини 100 процентдан ошириб бажариб, ҳар гектаридан 25 центнердан пахта етиштиришга эришдилар. Бригаданинг кўпмингчилар ҳаракатига қўшилган М. Маллаева, А. Тўлаёрова, Эрматова ва Э. Исроилова каби илғор теримчилари 8—9 тоннадан пахта териб, мавсум нормаларини ошириб бажардилар.

Ҳозир бригада а'золари қолган ҳосилни сра нобуд қилмаслан йиғиб-териб олиб, давлатга яна ҳар гектаридан 5 центнердан ҳосил топшириш, шунингдек, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Х. СУЛАЙМОНОВ.

Ўзаро ҳамкорликда

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон КП Марказий Комитетининг Мурожаатидан илҳомланган Мирзачўл районидаги Сталин номли колхоз пахтакорлари механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаб, 938 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 22,5 центнердан ҳосил йиғиб, йиллик пахта тайёрлаш давлат планини 101,5 процент қилиб бажардилар. Топширилган пахтанинг 85 проценти отбор ва биринчи сортларга қабул қилинди.

Айниқса коммунист ўртоқ Мамажон Нурматов бошлиқ бригада а'золарининг пахтачиликда қўлга киритган ютуқлари диққатга сазовордир. Бригада а'золари 51 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил олишга эришдилар. Бригаданинг ўртоқ Файзихола Жўраева бошлиқ звено а'золари ҳар гектаридан 36,5 центнердан пахта топширдилар.

Колхоз пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга пландан ташқари яна 250 тонна қўшимча пахта топшириш, барча участкаларни ғўзапоядан тозалаш, шудгорлаш ҳамда ернинг шўрини ювишни тез кунларда тамомлаш юзасидан дала ишларини тобора қизитиб юбордилар.

Ҳозир Сталин номли колхознинг далаларида кўзги ишлар конвейер усулида олиб борилмоқда. Колхозчилар механизаторлар блан ҳамкорликни янада кучайтириб, КПСС XX с'езди ва Узбекистон Компартиясининг XIII с'езди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини қизитиб ишламоқдалар.

В. ШОДМОНОВ.

Коллектив шартноманинг бажарилишига эришайлик

Тошкент канап йигирув-тўқув фабрикасида иккиёқлама тузилган коллектив шартноманинг бажарилиши текширилди.

Фабрика коллективи коллектив шартноманинг пунктларида белгиланган тадбирларни амалга оширатуриб, ишлабчиқаришда бирқатор ютуқларни қўлга киритди. Планда белгиланган вазифалар ортиғи блан бажарилди. 1955 йилнинг ўтган даврида ўтган йилнинг шу муддатига қараганда 8,5 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлиги 7,1 процент ортди, маҳсулот таннархи эса 6,75 процент камайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати анча яхшиланди. Олинган мажбурият бўйича тўқима маҳсулотларининг 99,5 проценти биринчи сортли бўлиши керак эди, ҳозир эса фабрика коллективи томонидан ишлаб чиқарилаётган тўқима маҳсулотларининг 100 проценти биринчи сортга қабул қилинмоқда.

Ишлабчиқаришдаги бу ютуқлар янги техникани ишлабчиқаришга жорий қилиш, илғор методларни оммалаштириш, иш шароитини яхшилаш бўйича коллектив шартномада белгиланган тадбирларни моҳирлик блан амалга ошириш натижасидир. Шунингдек, корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг маданий-маиший шароитларини янада яхшилаш чоралари кўрилди. Фабрика ишчиларининг ҳаммаси социалистик мусобақада иштирок этмоқда. 40 дан ортиқ бригада «А'ло маҳсулот ишлаб чиқаручи учун астойдил курашмоқда. Энг илғор тўқучилар, йигирувчилар, ленточницалар, шлихтовальщичилар, ровничиларга ва бошқа мутахассисларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш бўйича мактаблар ташкил этилган. Бу мактабларда йил бошидан буён 300 дан ортиқ ишчи ўқитилди. Булардан ташқари яна 500 дан ортиқ киши махсус техника курсларида ўқидилар.

Фабрикада новаторлар таклифларини ишлабчиқаришга жорий этиш масаласига катта аҳамият берилади. Рационализаторлик таклифларини ишлабчиқаришга жорий қилиш натижасида 160 минг сўмдан ортиқ маблағ тежалди. Булардан ташқари 50 дан ортиқ қимматли таклифлар ишлабчиқариш кенгашларида муҳокама қилинди. Ҳозир бу таклифлар барча цехларда қўлланилмоқда.

Меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган бирқанча ташкилий-техника тадбирлар амалга оширилди. Лента ишлаб чиқарадиган машиналарга ўрнатилган янги мосламалар меҳнат унумдорлигининг 20 процентча ортишини та'минлайди. Йигирув машиналарида маҳсулот ишлаб чиқариш сур'ати оширилган. Ба'зи процессларда автоматлар ўрнатилган. Уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш сур'ати жуда юксакдир.

Меҳнат шароитини ва техника хавфсизлигини яхшилаш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилган. Бу мақсад учун ўтган муддат ичида юз минг сўмдан ортиқ пул сарфланди. Кўпгина цехларда вентиляция тормоқлари қайтадан қурилди. Ишлабчиқариш хоналарининг қиш мавсумида нормал ишлашини та'мин этиш соҳасида ҳам катта ишлар қилинди.

Касаба союз комитети фабрика ишчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишини яхшилаш масалаларига эътибор бериб келмоқда. Фабрика ишчиларини уй-жой блан та'минлаш соҳасида катта ишлар қилинди. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида уй-жой қурилишига 300 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 14 ишчи ва хизматчи оиласи янги уйларга кўчиб чиқдилар. Уй-жойлар, медицина пункти, болалар боғчаси ва ясли капитал ремонтдан чиқарилди. Ишчи ва хизматчиларга санаторийларга бориб ҳордиқ чиқардилар, соғлиқларини тиклаб қайтдилар.

Шу блан бирга коллектив шартноманинг текширилиши фабрика ма'муриятининг шартнома бўйича ўз зиммасига олган бир қатор мажбуриятларни бажарганлиги ҳам кўрсатди. Масалан, тайёрлаш цехида шу кунга қадар тараш машиналари учун тормозлар тайёрланмаган, шлихтоваль машиналар иситиш изоляцияси блан та'мин этилмаган. Фабрикада меҳнат интизомининг бузилиши каби ҳодисалар бўлиб туради.

Коллектив шартноманинг бажарилиши юзасидан ўтказилган текшириш натижаларини муҳокама қилган цех йиғилишларида иккиёқлама тузилган шартноманинг сўзсиз бажарилишини та'мин этадиган тадбирлар белгиланди.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

Газета ва журналларга обуна бўлмоқдалар

Паркент районидаги 13-нчи мактабнинг ўқучилари ва ўқитучилар коллективи 1956 йил учун марказий, республика ва область газета ҳамда журналларига зўр қизиқиш блан ёзилмоқдалар. Улар «Правда», «Правда Востока», «Қизил Узбекистон», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда», «Ленин учқуни» газеталарига ҳамда «Вожатий», «Пионер», «Шарқ юлдузи» каби журналларга обуна бўлдилар.

Й. МАНСУРОВ.

* * *

Бўка районидаги Навоий номли мактабнинг ўқучи ва ўқитучилар коллективи 1956 йил учун газета ва журналларга ҳамжиҳатлик блан обуна бўлмоқдалар.

Шунингдек райондаги Сталин номли, Островский номли, «Победа», Крупская номли мактабларнинг ўқучилари ва ўқитучилари ҳам газета ва журналларга зўр уюшқоқлик блан ёзилмоқдалар. Мактабларнинг ўқучи ва ўқитучилар республика ва область газеталари блан бирга «Коммунист», «Муштум», «Социалистик Узбекистон», «Совет мактаби» каби 30 дан ортиқ номдаги журналларга обуна бўлдилар.

Я. ИСМАТОВ.

* * *

Қорасув районидаги 4, 8, 10 ва 20-нчи мактаб ўқучилари ва ўқитучилар коллективи ўртасида газета ва журналларга обуна бўлиш намунали ташкил қилинган. Ўқучи ва ўқитучилар коллективи «Қизил Узбекистон», «Правда Востока», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда», «Ўқитучилар газетаси», «Ёш ленинчи» каби республика ва область газеталарига ҳамда «Шарқ юлдузи», «Пионер» каби журналларга зўр қизиқиш блан обуна бўлдилар.

Шунингдек Ўртасарой районидаги Сталин номли, Каганович номли, Чкалов номли ва Киров номли мактабларнинг ўқучилари ва ўқитучилар коллективлари ҳам марказий, республика ва область газета ҳамда журналларига уюшқоқлик блан ёзилмоқдалар.

Мактабларда газета ва журналларга обуна бўлиш қизғин давом этмоқда.

С. МУҲИДДИНОВ,
К. СУЛТОНОВ.

Келгуси йил мўл ҳосилига тайёргарлик

Верхне-волинск районидаги «Победа» колхози бу йил 780 гектар ернинг ҳар гектаридан мўл ҳосил олиб давлат планини 110 процент қилиб бажарди.

Колхоз а'золари қўлга киритган бу муваффақиятни мустаҳкамлаш, келгуси йилда янада мўл ҳосил етиштириш учун пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Ҳозир ҳосили териб олинган далалар ғўзапоядан тозаланиб шудгор қилиб қўйилди. Янгидан 200 гектардан ортиқ ер очилди. Далаларга маҳаллий ва минерал ўғит чиқарилмоқда. Шўрҳок ерларнинг шўри ювилаётир. Колхоз а'золари бу йил 2000 метрлик кўтарма ариқ қурдилар. Бу эса янги очилган 200 гектар ерни экинзорга айлантириш имкониятини беради.

Колхозчилар ариқ-зовурларни тозалаш, йўллар ва кўприкларни ремонт қилиш ишларини ҳам олиб бораётирлар. 60 тонна суперфосфат ва селитра ташиб келтирилди. Ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 4 тоннадан маҳаллий ўғит сочилди. Колхоз а'золари келаси йили пахта майдонини 1000 гектарга етказиш ва ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта етиштириш учун ҳозирлик кўрмоқдалар.

Қ. ҚУРБОНБОЕВ.

Қайроққумда

Қайроққум ГЭС қурилишининг умумий кўрниши. И. Глауберзон фотоси.

Биз қирғоқда турибмиз. Чапда — шимол томонда Сирдар'ё мавжланиб оқмоқда. Куз-қиш ойларида дар'ё суви бир мунча камаяди ва тиниқланиб ниша рангига киради. Лекин ҳозир бундай аҳволни кўрмадик. Сув лойқаланиб оқмоқда. Бунинг сабабини қирғоқ бўйлаб юқорига кўтарилганда билдик. Кучли самосваллар дар'ёнинг икки томони бўйлаб турнақатор бўлиб бормоқдалар. Машиналарнинг тупроқ аралаш харсанг юклари дар'ёга ағдарилмоқда.

— Дар'ё ана шу ердан тўсилади. — деди қурилиш партия ташкилотининг секретари ўртоқ Л. Ражабов. Сув ювиб турадиган тўғоннинг соҳил қисмини қуриш ишлари қизғин давом этмоқда. Бу ерда экскаваторлар, кучли самосвалларнинг ҳаракати бир минут ҳам тинмайди. Забардаст қурувчилар дар'ёни эски ўзанидан қайтариб, жануб кенгликларидаги пастқам жойга буриб юбориш учун астойдил курашмоқдалар. Келгуси йилнинг март-апрель ойларида Сирдар'ё оқава тўғонга буриб юборилади. Янги нур ва ҳаёт чашмаси пайдо бўлади. Ҳаммаларнинг қалби, ғайрат ва интилиши ана шу орзу блан банд.

Соҳилдаги ҳаёт — қурилиш ишлари ҳексидай кўринади. Баланд тепаликка чиқиб атрофга қараган киши бу ерда янги шаҳар пайдо бўлипти дейди. Чиндан ҳам ана шундай. Узоқ-узоқлардан икки қаватли, кўпхонали чиройли уйлар кўринади. Катта корпуслар ёнидан кўкка бўй чўзган трубалардан кўкимтир тутун бурқсиб турипти. Темир йўл изларидан қурилиш материаллари ортилган эшелонлар ғизиллаб ўтиб бормоқда. Соҳилдаги ҳаёт ўзининг ранг-баранглиги, жўшқинлиги блан киши қалбини завқлантиради, ажойиб, порлоқ истиқболни эслатади.

Бу ерда ҳамма нарса янги. Қурувчилар ҳам, уларнинг изига топширилган қудратли техника ҳам, шунингдек бино этилган истиқомат жойлари ҳам янги. Бундан 5—6 йил бурун бу ерда ҳеч нарса йўқ эди. Соҳилда колхоз моллари ўтлаб юрарди, ҳаваскор балиқчилар дам олиш кунлари дар'ёга овга келарди, холос.

1951 йил июнь ойида СССР электростанциялар қурилиши министрининг Қайроққум ГЭС қурилишини бошлаш ҳақида буйруғи чиқди. Кўп вақт ўтмай қардош тожик халқининг қадимий шаҳри Ленинободнинг Исписор қишлоғидан узоқ бўлмаган жойга, Фарғона водисидан кокил-кокил каналларга бўлиниб оқиб келаётган Сирдар'ёнинг соҳилига қурувчилар отрядлари келабошладилар. ГЭС иншооти ўрнида ва бўлажак ишчилар шаҳарчасида қурилиш ишлари қизиб кетди. 1952 йилнинг охирига келиб паст-баланд адрлардан иборат бўлган жойда қурувчилар шаҳарчаси пайдо бўлди, темирйўл изи ўтқазилиб, адрнинг сукунатини паровоз гудогининг дастлабки ҳайқириқлари бузди.

Соҳилда ҳаёт йилдан-йил кенг қанот ёзиб, дар'ё тўлқинидек мавж уриб қайнайбошлади. Волга-Дон ва Фарҳод ГЭС қурилишида ишлаган қурувчилар, шунингдек Ленинобод областининг турли районларидан келган азаматлар янги гидроэлектростанция иншоотини тиклашга киришдилар.

Ҳозир бу ернинг кўрки ўзгариб кетган. Ҳар қадамда ижодкор халқимизнинг ақлидроки ва куч-ғайрати блан бино этилган улкан иншоотлар кўзга ташланади. Биз ГЭС иншооти қурилаётган жойга келдик. Қурилаётган ГЭС биносида, тўғон девори чап қирғогининг пастки қисмида қурилиш ишлари қизғин бормоқда.

ГЭС нинг темир-бетон деворларида арматурачилар, дурадгорлар қўлни-қўлга тегизмасдан ишламоқдалар. Дурадгорлардан Иван Данилович Хома, Владимир Ставинский, Петр Мальцев ва Холмирза Каримовлар бетон қуйиладиган блокларга тахтачалар ўрнатмоқдалар.

Дурадгорлардан сал нарида ГЭС биносининг деворларига оғир темирбетон плиталар ўрнатилмоқда. Баланд кранларга илинган юклар ҳавога кўтарилиб, чап томондаги чуқурликка сузиб бормоқда. Ўртада механизациялаштирилган трубалардан цемент-бетон қоришмаси юқорига оқиб бормоқда. Бетончилар фундамент деворларини абадий силжимайдиган қилиб, зарант-метинга айлантирмоқдалар.

Олдинга юрган сари янги қурилиш участкаларига дуч келмоқдамиз. Қурилиш партия ташкилотининг секретари бизни янги об'єктлар блан таништириб, қурилишга бутун мамлакат ёрдам бераётганлигини сўзлайди.

— Бизга Каховка ГЭС қурилишидан 25 тонна юк кўтарадиган МАЗ—525 маркали кучли самосваллар келмоқда, — деди секретарь қурилиш майдонига кувонч блан қарар экан. Унинг янги хабаридан қудратли техника келиши блан бу ерда қурилиш ишлари янада тез сур'атлар блан қизиб кетишини кўз олдимизга келтирдик. Қўл кучи бошқа-ю, техника бошқа гап-да, ахир. Биз кенг қурилиш майдонларидаги механизмлар ҳаракатини кўрар эканмиз, Фарҳод ГЭС қурилишини хаёлга келтирамиз. Фарҳод ГЭС да минг-минглаб киши ишлади. Тўғон, деревация канали ва ГЭС биносининг қурилиш ишларида озмунча қўл кучи кетмади, дейсизми. Бу ерда эса ҳаёт бутунлай бошқача. 25 тонна юк кўтарадиган машиналар келмоқда. Кучли экскаваторлар, кранлар, бульдозерлар ва бошқа турли-туман механизмлар сув ва нур йўлини очмоқдалар, неча асрлардан буён ётган харсанг тепаликлар чилпарчин бўлиб, бирпеккага сурилиб чиқарилмоқда.

Биз Қайроққум ГЭС қурилишига мамлакатимизнинг турли районларида қурилаётган ГЭСлардан ёрдам берилажагини билдик. «Мингечаурэсстрой», «Белгэсстрой», «Уфагэсстрой», «Княжегубгэсстрой» ва бошқа жойлардан ҳам Қайроққум гидроэлектростанция қурилишига экскаваторлар, бульдозерлар, вагонеткалар, мотокаткалар, бетоннасослар келтирилади. Шунингдек тўғон ва гидростанция қурилишида ишлатиладиган бирнеча минг тоннадан иборат бўлган металл конструкцияларни ҳам мамлакатимизнинг бирқанча корхоналари етказиб беради. ГЭС қурилишида бепоён мамлакатимиз халқларининг забардаст қўли сезилиб турипти.

ГЭС қурилишида ишлаётган азаматлар партия ва ҳукуматимизнинг катта ёрдам бераётганликларини кувониб сўзлайдилар. Уларнинг ишлаши ва турмуш кечиришлари учун ҳамма имкониятлар яратиб берилган. Қурувчилар шаҳарчасида маданият уйи, ўнйиллик мактаб, болалар яслилари ва боғчалари, стадион, ошхона, кинотеатрлар ишлаб турипти. Қурилиш об'єктларида ишни тезлаштириш учун катта қулайликлар яратилган.

Қурилиш ишларининг катта қисми ГЭС биноси қуриладиган жойда олиб борилмоқда. ГЭС гидроузели сидирга тупроқ девордан ва оқава темирбетон тўғондан иборат бўлади. Оқава тўғон гидростанция блан биргаликда тўғоннинг ичига жойлашади. Шунинг учун гидроэлектростанция ва тўғон қурилишида кўп қурувчилар мураккаб ишларни бажармоқдалар.

Қурувчилар, инженер-техник ходимлар, шунингдек ГЭС қурилишининг бошлиқлари бу ерда бажарилаётган ҳарбир ишнинг пухталиги, ихчамлиги ва мустаҳкамлигини зўр диққат блан текшириб бормоқдалар. Бетончилар, арматурачилар, дурадгорлар ҳам ана шу мас'улиятли топшириқ ҳақида сўзлайдилар.

ГЭС қурилиши блан сув омбори пайдо бўлади. Сув омборига бирнеча миллиард кубометр сув сиғиши мўлжалланади. Омборнинг суви блан ГЭС турбогенераторлари ҳаракатга келади, янги нур манбаи пайдо бўлади. Ҳозир Қайроққум — Тошкент передача линияси қурилмоқда. Линия установкаларига бирнеча минг тонна металл буюмлари ва металл таянчлари ишлатилади. Қайроққум ГЭС линиясидан Узбекистон ва Тожикистон республикаларининг саноат корхоналарига электр қуввати боради, колхоз қишлоқлари чароғон бўлади.

Сув омборидан янги каналлар қазилиб, насос станциялари орқали янги ерларга сув чиқарилади. Тўғон ортидаги янги кўрфаздан Ленинобод ва Тошкент областининг бирқанча районлари сув блан та'миланади. Сув блан бирга чўлга ҳаёт келади, янги қишлоқлар пайдо бўлади, бўлуқ экинзорлар чамандек яшнайди. Янги сув манба'и пайдо бўлиши блан Мирзачўл-Янтоқ даштини суғориш имконияти яратилади.

Улуғ доҳимиз Владимир Ильич Ленин «Коммунизм — совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир», деб айтган эди. Доҳининг та'лимотига амал қилган баҳодир халқимиз ҳар йили янги нур манба'ларини яратиб келмоқда. Волга ва Днепрда, шунингдек Сибирь дар'ёларида жаҳонда тенги йўқ улкан гидроэлектростанциялар қурилмоқда.

Сирдар'ё каскадларининг, шу жумладан Қайроққум ГЭС қурилиши коммунистик жамият қураётган совет кишиларининг улуғ доҳи чизиб берган йўлдан мардона қадам ташлаб, порлоқ истиқбол сари зўр ишонч блан бораётганликларининг ёрқин далилидир. Янги сув ва нур манба'ларининг яратилиши янги моддий бойлик базаларининг пайдо бўлиши демакдир.

Шунинг учун ҳам Қайроққум ГЭС қурувчилари янги мажбуриятлар олиб, социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, юксак меҳнат зафарларини қўлга киритмоқдалар. ГЭС қурувчилари оилиқ ва квартал планларини ҳардоим ошириб бажариб келмоқдалар.

Қайроққум ГЭС қурилишида турли миллат фарзандлари ҳамжиҳатлик блан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Қурилиш участкаларида рус, украин, тожик, ўзбек қозоқ, татар ва бошқа миллатдан бўлган азаматлар ишламоқдалар. Ҳамманинг мақсади — ГЭС қурилишини тезроқ тугаллаб, она-Ватанга янги нур ва сув манба'ларини яратиб беришдир.

Ҳозирги вақтда қурувчилар КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақада актив қатнашиб, янги меҳнат зафарларидан рапорт бермоқдалар. Бетончилардан Мирзааҳмедов, Орзиқулов, арматурачилардан И. Регель, тош ўрнатувчилардан Л. Фоштейн, экскаваторчилардан А. Голендухин бошлиқ бўлган бригадалар 11 ойлик топшириқларини 150 процентга етказиб бажардилар. Бу илғор бригадалар ва бошқа участкаларда ишлаётган қурувчилар партиямизнинг XX с'езди шарафига меҳнат вахтасида туриб, янги ютуқларни қўлга киритиш учун астойдил курашмоқдалар.

Қурилиш-монтаж ишларида ой сайин юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Қурилишга турли асбоб-ускуна ва бошқа материалларни етказиб берадиган ишлабчиқариш корхоналарида ҳам меҳнат унуми кундан-кун ошмоқда. Қурилиш материалларини тежаб ишлатиш, рационализаторлик таклифларини амалга ошириш, белгиланган топшириқни муддатидан олдин бажариш ҳаракати кенг қанот ёзган.

Сирдар'ё йўлини тўсиб, уни янги изга буриб юборишга ва шу йўл блан мамлакатга янги электр қувватини етказиб бериш учун мардона меҳнат қилаётган қурувчилар ГЭС қурилишини тобора тезлаштирмоқдалар. Қурувчилар ва монтажчилар дар'ё сувини 4 — 5 ойдан кейин оқава тўғонга буриб юбориш учун астойдил курашмоқдалар. Келгуси йилнинг охирларида бу ерда қурилаётган ГЭСнинг биринчи навбати ишга тушириліб, жонажон юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларига нур оқади. Чўлларга сув келиб, янги гулистонлар пайдо бўлади.

Ҳар томонда мотор, парма, болғаларнинг хилма-хил овози эшитилади. Буларнинг ҳаммаси бирлашиб, улуғвор жаранглайди, жўшқин меҳнат, ижодий ҳаётдан боғ уради. Қурилиш ёнида, соҳилдан пастда қадимий она-Сирдар'ё мавжланиб, тинч оқмоқда. У ўзидаги кучдан — турбиналарни ҳаракатга келтирувчи кучдан беҳабардай жимгина оқмоқда. Дар'ёларнинг қудратли кучини бахтиёр халқимиз билиб олган, яқин келажакда дар'ё ўз кучини улкан турбиналарда синаб кўради, столбалар бўйлаб мамлакатга нур бўлиб оқади.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

Ғоят катта халқаро аҳамиятга эга бўлган воқиа

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Осиё мамлакатларига қилган сафари тўғрисида четэл матбуотининг ёзганлари

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиуми а'зоси Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистон, Бирма ва Афғонистонга қилган дўстлик сафари тугалланди. Совет Иттифоқи раҳбарларининг сафари бир ой давом этди. Улар шу вақт ичида жуда катта йўл босиб ўтиб, Осиё мамлакатларининг кўпгина шаҳарлари ва районларила бўлдилар, улардаги халқларнинг ҳаёти ва меҳнати билан танишдилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг Ҳиндистон, Бирма ва Афғонистонга қилган сафари халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатининг тантанасига айланди ва ғоят катта халқаро аҳамиятга эга бўлган воқиа бўлди. Ҳамма жойда—Деҳли ва Калькуттада, Сринагар ва Бомбейда, Рангун ва Кобилда юз мингларча ҳиндлар, бирмалилар, афғонлар совет меҳмонларини — улуғ дўст халқнинг вакилларини чин қалбдан табриклаб кутиб олдилар.

Совет давлати раҳбарлари дўстлик миссиясининг якунлари Деҳлида, Рангунда ва Кобилда имзоланган қўшма баёнотларда ҳамда иқтисодий муносабатлар тўғрисидаги ахборотларда қайд қилинди. Ғоят катта тарихий аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатларда ҳар иккала мамлакатнинг халқаро кескинликни янада юмшатишга, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга ва ўзаро фойдали савдо муносабатларини кенгайтиришга ҳамма йўллар блан ёрдам беришни бирдай истаганликлари ифода қилинганлир.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг Осиё мамлакатларига қилган сафари ҳали ҳам жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Ер юзида бу дўстона миссия ҳақида бирон тарзда гапирилмаган ёки ва ёзилмаган ҳеч бир жой, ҳеч бир мамлакат йўқ. Совет Иттифоқи вакилларининг Осиё мамлакатларига қилган визити халқларнинг ал дўстлигини намойиш қилган воқиага айланганлигини ҳатто буржуа матбуоти ҳам э'тироф қилишга мажбур бўлмоқда. Масалан, Рейтер агентлигининг мухбири А. Фаррелл бундай деб ёзади: «Совет раҳбарлари қаерга келмасинлар, ҳаммаерда улар ғоят баланд рух блан кутиб олиндилар. Калькутталаги кутиб олиш маросими бунинг кульминацион нуқтаси бўлди. Буерда меҳмонларни кўриш учун кўчаларда тахминан уч миллион киши тўпланди». Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев қилган дўстлик сафарининг муваффақият қозонганлигини Юнайтед Пресс агентлиги ҳам э'тироф қилишга мажбур бўлди. «Совет раҳбарларини миллион-миллион кишилар кўрдилар ва уларни табрикладилар, — деб ёзади бу агентлик, — уларнинг тинчлик ҳақидаги нуқталари ҳиндлар, бирмалилар ва афғонларнинг қалбларидан жой олди...».

Немис демократик матбуоти Совет Иттифоқи вакилларининг Осиё мамлакатларига қилган сафарига бағишланган хабарларни ва редакциялар ёзган шарҳларни э'лон қилмоқда. «Бауэрн-эхо» газетаси «Деҳли ва Париж» сарлавҳали бошмақоласида Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчевнинг Ж. Неру блан олиб борган музокараларининг характерини Шимолий Атлантик пактида қатнашучи мамлакатларнинг Парижда олиб борган музокаралари блан солиштириб кўрмоқда. Деҳлида, деб ёзади газета, жам'и 600 миллион кишини ташкил этган икки халқнинг вакиллари фақат ўз мамлакатларининг халқлари манфаати учунгина эмас, балки дун'ёдаги барча халқларнинг манфаати учун ҳам тинчликни мустаҳкамлаш йўлида бутун куч-қувватларини бағишлашга қат'ий қарор берганликларини бутун дун'ё олдида баралла айтдилар. Ҳар иккала мамлакатнинг давлат арбоблари атом қуролининг ҳамма турларини тақиқлашни қаттиқ талаб қилдилар, ҳамма халқаро проблемаларни тинч йўл блан, музокаралар йўли блан ҳал этишни қаттиқ талаб қилдилар. Парижда НАТО стратеглари уруш чақириқларини авж олдириб, тўп ва атом қуролини кўпроқ ишлаб чиқаришни талаб этган бўлсалар, Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон раҳбарлари ҳамма давлатларнинг ўзларидаги ижтимоий системалар турлича бўлишига қарамай, тинч тотув яшашлари зарурлигини ва мумкинлигини уқтириб ўтдилар.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев сафарининг якунларини Париж газеталари кенг шарҳлаб ёзмоқда. «Эко» газетасининг уқтириб ўтишича, совет раҳбарларининг сафари СССРнинг Ҳиндистон, Бирма ва Афғонистон блан бўлган иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга ёрдам берди. «Ҳиндистонга келганда,—деб ёзади газета,—у, ўзининг иккинчи бешйиллик планини бажаришда Совет Иттифоқининг анча катта ёрдамидан фойдаланмоқда».

«Сиёсий соҳада ҳам, — деб ёзади «Эко» газетаси, — муҳим натижаларга эришилди. Ҳиндистон ва Бирма «тотув яшаш» сиёсати юргузиш ниятида эканликларини та'кидладилар; шу факт айниқса муҳимдирки, Афғонистон (Лондон блан Вашингтон илгари бу мамлакатни Эрон ва Покистон сингари Бағдод пактига жалб қилишни умид этган эди) Совет Иттифоқи блан дўстликни мустаҳкамламоқда. Кобил бетарафлик ва бир-бирларига ҳужум қилишмаслик ҳақидаги шартноманинг муддатини узайтирди. Бу шартнома Афғонистон блан СССРни 1931 йилдан буён боғлаб келади...».

Албанияда чиқалиган «Зери и популлит» газетаси «Халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун» сарлавҳали бошмақоласида ёзадики, Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Осиёдаги уч мамлакатга қилган сафари ва бу сафар вақтида э'лон қилинган қўшма баёнотлар Ҳиндистонда, Бирмада ва Афғонистонда, шунингдек бутун дун'ёда жуда кенг шарҳлаб кутиб олинди. Совет раҳбарларининг бу дўстлик визити вақтида Деҳлида, Рангунда ва Кобилда имзоланган қўшма баёнотлар Ҳиндистон, Бирма ва Афғонистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ишида муҳим роль ўйнайди. Биз СССР халқлари блан бу мамлакатларнинг халқлари ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишидан хурсандмиз, чунки бу дўстлик тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишига қўшилган ҳиссадир.

Римдан берилган хабарларга қараганда, «Унита» газетаси Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистон, Бирма ва Афғонистонга қилган сафари натижаларини кенг шарҳлаб ёзмоқда. «Иқтисодий соҳада, — деб ёзади газета, — СССР шундай бирданбир давлатларки, у Осиё мамлакатларига ўзларининг оғир саноатини барпо этишда ёрдам таклиф этмоқда, оғир саноат бу мамлакатларнинг мустақил яшаши учун зарур бўлган асосий шартдир. СССР ўз капиталини чиқармагани ҳолда ва сиёсий ҳамкорлик қилишга мажбур этмагани ҳолда, саноат ускуналари етказиб беришга, техника ёрдами беришга ва маҳаллий кадрларни ўз университетларида ўқитишга тайёрдир. Қўшма Штатлар бундан намуна олиш ниятида эмас.

Броқ Булганин ва Хрушчев ўз сафарларидан ўзлари борган мамлакатларни бирор блокка жалб қилиш учун фойдаланишни кўзда тутмадилар. Уларнинг муваффақият қозонганликларининг биринчи сири худди ана шундадир.

Бу давлатларнинг идеологияси ва социал режими турлича бўлган бир шароитда Совет ҳукумати тинч тотув яшаш намунасини кўрсатдики, бу — даставвал Осиё ва Африка мамлакатларида кенг ма'қуллаб кутиб олинади».

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев сафарининг муваффақиятли ўтганини капиталистик мамлакатлардаги реакцион матбуот ҳам э'тироф қилишга мажбурдир. Броқ, бу сафарнинг муваффақиятидан ташвишга тушаётган буржуа матбуоти реакцион органларининг вакиллари совет раҳбарларининг сафари тўғрисидаги таассуротни ҳархил йўллар блан камайтириб кўрсатишга уринмоқдалар. Улар бунинг учун очиқдан-очиқ ёлғон сўзларни ёзишдан ҳам тортинмаётирлар. Лекин улар халқаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига халақит бераолмайдилар. Халқлар ўртасидаги дўстлик ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Осиё халқларининг сиёсий мустақиллиққа ва иқтисодий тараққиётга бўлган интилиши енгилмасдир. (ТАСС).

БМТнинг ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 22 декабрь. (ТАСС). Кеча Хавфсизлик кенгаши Англия тақдим этган резолюция проектини муҳокама қилди. Бу резолюция проектида, Хавфсизлик Кенгаши Япония тезда БМТга қабул қилинади деб умид билдиради, дейилади.

Совет Иттифоқи вакили А. А. Соболев бу резолюция проектига тузатиш киритиб, резолюция проектига, Япония блан бирга Мўғулистон Халқ Республикаси ҳам киритилсин, деб таклиф қилди.

Бу тузатишни қувватлаб фақат Совет Иттифоқи вакили овоз берди. Хавфсизлик Кенгашидаги кўпчилик овоз беришда бетараф қолиб, совет вакили тақдим этган тузатишни рад этди.

Шундан кейин Англия вакили ўзи тақдим этган резолюция проектини муҳокама қилишни кечиктиришни ва уни ҳозирги вақтда овозга қўйилмасликни таклиф этди. Бу таклиф овозга қўйилган вақтда совет вакили бетараф қолди.

Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К. П. Ш. Меноннинг баёноти

ДЕҲЛИ, 21 декабрь, (ТАСС). «Ҳиндустан стандард» газетасининг ёзишича, Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқидаги элчиси К. П. Ш. Менон кеча Коимбаторда баёнот бериб, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиуми а'зоси Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистон бўйлаб қилган саёҳатлари вақтида, шунингдек Ҳиндистон Республикаси бош министри Ж. Неру Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат қилган вақтда уларга ҳамроҳ бўлганлигидан жуда мамнун эканлигини айтган.

Менон бу икки визитни таққослаб, ҳар иккала визит ўзининг ғоят мазмундор бўлганлиги жиҳатидан тенгдир, деган.

Менон, совет раҳбарлари қилган визитнинг натижалари фақат ижобий бўлиши мумкин, деган.

Индонезия та'сис мажлисига сайлов

ЖАКАРТА. 21 декабрь. (ТАСС). Бугун газеталарда Индонезия та'сис мажлисига бўлиб ўтган сайловларда берилган овозлар сони ҳақидаги дастлабки ма'лумотлар э'лон қилинди. Ява оролида миллий партия 5 миллиондан кўпроқ овоз олган; коммунистик партия 4 миллион 345 мингдан кўпроқ, Нахдатул Уломо партияси 4 миллиондан кўпроқ, Машуми партияси 2 миллион 370 мингдан кўпроқ овоз олган. Коммунистлар Яванинг йирик марказлари Жокьякартада, Суракартада, Семарангда, Сурабайяда, Магеллангда энг кўп овоз олмоқдалар.

Коммунистик партиянинг сайловда эришган муваффақияти муносабати блан Индонезия коммунистик партиясининг бош секретари Айдит махсус баёнот бериб, бу баёнотда Марказий комитет номидан ва бутун коммунистик партия номидан сайловчиларга бу ишончлари учун қизғин ташаккур изҳор қилди. Айдит уқтириб ўтдики, ташқи ва ички реакциянинг демократик кучларнинг сафини бузишга қаратилган уринишларига қарамай, компартия ва бошқа миллий кучлар сайловда яна галаба қозондилар. Айдит барча демократик кучларни сайловда эришган муваффақиятларни мустаҳкамлашга чақирди.

Иорданияда аҳвол

ЛОНДОН, 21 декабрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Аммондан хабар беради: Бугун Аммонда халқ намойишлари давом этди. Намойиш қатнашчилари Иордания ма'мурларидан ғарбий давлатлар блан ҳеч қандай иттифоққа қўшилмаяжаклари тўғрисида айтишларини талаб қилдилар.

ПАРИЖ, 21 декабрь. (ТАСС). Аммондан олинган хабарларга қараганда, Иброҳим Ҳошим Иорданиянинг янги ҳукуматини тузган. Хабарларда айтилишига қараганда, Ҳошим ҳукумати империалистларга қарши ўтказилган намойишлар вақтида қамоққа олинган ҳамма ватанпарварларни тюрьмалардан озод қилишга қарор берган. Ҳукумат халқ галаёнлари муносабати блан ёпилган ўқув юртларини яна очишга ҳам қарор қилган.

ПАРИЖ, 21 декабрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Қоҳирадан берган хабаридан ма'лум бўлишича, Миср, Сурия ва Саудия Арабистони Иорданияни инглизлар «ёрдамига» қарам бўлиб туришдан қутқазиш мақсадида унга молия ёрдами таклиф этиш ниятидадирлар.

Иорданияда янги ҳукумат тузилди

ПАРИЖ, 21 декабрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабар беради: Иордания ҳукуматининг янги кабинети тузилди. Янги ҳукумат составига қуйидагилар киради:

Бош министр — Иброҳим Ҳошим,

Бош министр ўринбосари ва ташқи ишлар министри Самир Эр — Рифайе,

мудофаа ва маориф министри Фавзий Эль-Мулкий,

юстиция ва жамоат ишлари министри Фалах Эль-Мададҳо,

миллий экономика ва молия министри Хулусий Эль-Ҳайрий,

ички ишлар министри Умар Маттар,

почта, телеграф ва граждан авиацияси министри Ҳошим Жайюсий

соғлиқни сақлаш ва социал ишлар министри Ҳусайн Эль-Холидий,

ривожланиш ва реконструкция министри Анастас Ханония.



Областимизда илғор бўлган Оржоникидзе район матлубот союзи магазинларига янги йил савдоси учун кўплаб маданий моллар ва саноат товарлари келтирилмоқда. **Суратда:** Луначарский посёлкасидаги 1-нчи культмагнинг болалар ўйинчоғи бўлими. Харидорлар арча жиҳозлари сотиб олмоқдалар. **В. Сироткин** ва **И. Глауберзон** фотоси.

Қишлоқ хўжалик экономикасини ўрганиш тўгараклари

Октябрь районидаги «Октябрь» ва «Пахта» МТСлари ҳузурида қишлоқ хўжалик экономикасини ўрганиш тўгараклари ташкил қилинди. Тўгарак машғулотларига колхоз раислари, агрономлар ва қишлоқ хўжалигининг бошқа мутахассислари қатнашмоқдалар.

«Пахта» МТСи ҳузуридаги тўгарак машғулотларини Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик машиналари тажриба станциясининг директори ўртоқ Колдаев ўтказмоқда. Айрим темалар бўйича машғулот ўтказишга район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ҳам жалб қилинган. Социалистик қишлоқ хўжалигининг экономикасини ўрганиш тўгарагининг қатнашчилари назарий машғулотларни МТС ва колхозларга бориб амалий иш блан боғлаб олиб бормоқдалар. Бу блан колхоз ва МТС раҳбарлари қишлоқ хўжалик ишларига раҳбарлик қилишда ўз малакаларини оширмоқдалар.

Мактабларда қишки каникулга тайёргарлик

Шаҳар мактаб ўқучиларининг бу йил қишки каникулни жуда катта хурсандчилик блан ўтказишлари учун Ўзбекистон касаба союзлари Совети зўр тайёргарлик кўрмоқда. Ўқучилар клубларда, дам олиш уйларида ва Маданият саройларида намунали ташкил этилган янги йил арча байрамлари ўтказадилар, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қатнашчилари иштирокида бериладиган қизиқарли концерт ва спектакльларни тамоша қиладилар. Шунингдек, болаларнинг кино-театрларга бадиий, хроникад ва илмий-оммабоп фильмлар кинофестивалига коллектив бўлиб боришлари, спортнинг айрим тури бўйича ёшлар мусобақалари ўтказиш уюштирилади.

Юзлаб ўқучилар қишки каникулни Тошкент чеккасига жойлашган «Октябрь 10 йиллиги» дам олиш уйида ўтказади.

Шифер тайёрлайдиган янги станок

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлигига қарашли ремонт-механика заводи коллективи цемент ва қумдан тайёрланадиган шифер ишлаб чиқаруччи янги станоклар тайёрлашни ўзлаштирди. Бу станокнинг биттаси ҳар сменада 400 тахта шифер ишлаб чиқариш қувватига эга. Станокни ўрнатиш учун фундамент ва иш жойини тайёрлайдиган тадбирлар талаб қилинмайди. Шу жиҳатдан уни колхоз, совхоз ва қурилиш участкаларида қўлланиш қулайдир.

Янги станок унча катта бўлмаган электромотор ёки икки от кучига эга бўлган ичданёнар двигатель воситаси блан ҳаракатга келтирилади.

Завод коллективи тайёрлаган дастлабки 10 станокнинг биринчи нусхасини Қорасув районидаги Ленин номли колхоз а'золари олди. Колхоз а'золари ҳозир станок ёрдамида кўплаб шифер ишлаб чиқармоқдалар.

Б. ЗИМОВ.

Тошкент биринчилиги учун шашка мусобақаси

Тошкент тоғ техникумининг мажлислар залида Тошкент биринчилиги учун шашка мусобақаси бошланди. Мусобақага пойтахтнинг энг кучли шашкачилари—СССР спорт мастерлари Ш. Ёқубов ва Б. Канишчикер; мастерликка кандидатлар С. Гуляев, В. Александров, И. Берштейн, С. Давидов ва Д. Полоусов; биринчи разрядлилар Л. Бац, Ф. Ҳасанов, А. Крайзельбурд, Р. Чиранция, И. Кагаловскийлар қатнашмоқдалар.

Мусобақанинг биринчи турида Канишчикер Чиранцияни, Давидов Александровни, Крайзельбурд Ханисни, Штерн Кагаловскийни ютди. Ҳасанов — Гуляев ўйинлари дуранг бўлди. Қолган ўйинлар кечиктирилди.

Иккинчи турда Ёқубов Чиранция устидан галаба қозонди. Бац Тошкент чемпиони Гуляевни ютди. Давидов — Штерн партияси дуранг бўлди.

Шундай қилиб, икки турдан кейин 2 очко олган Канишчикер, 1,5 тадан очко олган Давидов, Крайзельбурд ва Штернлар олдинда бормоқдалар.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми ўртоқ Нуриддин Акрамович **Муҳиддиновни** бошқа ишга ўтганлиги муносабати блан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси вазифасидан озод қилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Совет ҳукумати Неруга совға қилган қишлоқ хўжалик машиналари топширилди

ДЕҲЛИ, 22 декабрь. (ТАСС). Кеча Деҳлида марказий трактор станциясида Ҳиндистон Бош Министри Жавоҳарлал Неру Совет Иттифоқига келган вақтида Совет ҳукумати унга совға қилиб берган қишлоқ хўжалик машиналарини топшириш маросими бўлди. Бу совғани СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси М. А. Меньшиков топширди.

Неруга «ДТ — 54» трактори, «Сталинец — 6» комбайни, учта трактор сеялкаси, икки культиватор, беш корпусли трактор плуги ва трактор прицепи топширилди.

Неру бу совға учун Совет ҳукуматига ғоят самимий ташаккур изҳор қилди, бу совғани Ҳиндистон блан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик символи деб атади.

Англия кабинети қайтадан тузилди

ЛОНДОН, 21 декабрь. (ТАСС). Англия бош министри Иден Англия кабинетининг қайтадан тузилганлигини э'лон қилди.

Ташқи ишлар министри вазифасига Гарольд Макмиллан ўрнига илгариги мудофаа министри Селвин Ллойд тайинланган.

Макмиллан эса Ричард Батлер ўрнига молия министри қилиб тайинланган. Батлер муҳрдор лорд ва умум палатаси раҳбари вазифасига тайинланган.

Мудофаа министри қилиб илгариги меҳнат министри Уолтер Монктон, меҳнат министри қилиб Ян Маклеод тайинланган.

Англия умум палатасида

ЛОНДОН, 21 декабрь. (ТАСС). Кеча лейборист Эмрис Хьюз умум палатасида гапириб, бош министр Иден президент Эйзенхауэр блан бўладиган музокараларда Англиядаги америка авиация базаларини тугатишни таклиф этсин, деб таклиф қилди.

Бетоб бош министр Иден номидан жавоб берган молия министри Батлер, бош министр бу масалани президент блан муҳокама қилиш учун асос бор деб билмайди, деди. Батлер, бу масалада Англия блан АҚШ тамомила бир фикрдадир, деди. Батлер, Англиядаги америка базаларидан фойдаланиш давом этади ва бу базалар «умумий тинчлик ва хавфсизликнинг умумий манфаатлари учун» керак, деди.

АҚШ Италия территориясида янги ҳарбий база ташкил қилмоқчи

РИМ, 20 декабрь. (ТАСС). Кеча министрлар советининг мажлиси бўлди. Мажлисда мудофаа министри Тавиани ва ташқи ишлар министри Мартино НАТО (Шимолий Атлантик иттифоқи) кенгашининг кейинги сессияси тўғрисида ахборот бердилар.

Газеталарнинг хабарларига қараганда, Мартино, жумладан, НАТОнинг «Италияда Виченца шаҳрида янги америка авиация штаби тузишга» қарор қилганлигини айтган.

Эрон парламент делегацияси Совет Иттифоқига келди

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети турли мамлакатларнинг парламентлари ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш тинчлик манфаатларида халқаро ҳамкорликнинг муҳим воситаси эканлигини кўзда тутиб, шу йил сентябрь ойида Эрон сенати ва мажлиси делегациясини Совет Иттифоқига таклиф этган эди.

Эрон сенати ва мажлисининг раислари СССР Олий Советининг бу таклифини мамнуният блан қабул қилганликлари тўғрисида СССР Олий Советини хабардор қилган эдилар.

Эрон парламентидаги ҳар иккала палата раисларининг жавоб мактубларида, бу делегациянинг сафари иккала мамлакат ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш учун фойдали бўлади деб умид билдирилган эди.

Эрон мажлиси ва сенати белгилаган делегация шу йил 21 декабрьда Бокуга келди. Делегацияга Эрон сенати ташқи ишлар комиссиясининг раиси Муҳаммад Сайид бошчилик қилмоқда. Делегация составида сенаторлардан Иброҳим Нобил Самий, Али Ғулий Ҳидоят ва Ҳасан Акбар, мажлис депутатларидан Сайид Маждий Пирасти, Муҳаммад Али Масудий, Арбоб Рустам Ғив, Ғулом Ҳусайн Парзат Қорағўзлу, Муҳаммад Али Сафаррий, Ҳамид Ахий, Аҳмад Аҳавон ва Секатул Исломий Мусийлар бор.

Эрон парламент делегацияси Бокуга келди

БОКУ, 21 декабрь. (ТАСС). Сенат ташқи ишлар комиссиясининг раиси Муҳаммад Сайид бошчилигида Эрон парламент делегацияси СССР Олий Советининг таклифига биноан 21 декабрьда «Туркманистон» пароходида Совет Иттифоқига келди.

Эрон, СССР ва Озарбайжон ССР давлат байроқлари блан безатилган пристаньда меҳмонларни Озарбайжон ССР Олий Совети раиси А. С. Байрамов, Озарбайжон ССР Олий Совети президиумининг секретари С. Н. Жа'фаров, Озарбайжон ССР Олий Совети президиумининг а'зоси С. Б. Годжаев, меҳнаткашлар депутатлари Боку шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси вазифасини бажаручи А. М. Аҳмедов, Озарбайжон ССР Ташқи ишлар министри М. И. Алиев, СССР Олий Совети Президиумининг мас'ул ходими А. С. Думин, Озарбайжон ССРнинг министрлари, СССР Олий Совети ва Озарбайжон ССР депутатлари, шаҳар меҳнаткашларининг вакиллари, журналистлар кутиб олдилар.

Озарбайжон ССР Олий Советининг раиси А. С. Байрамов Озарбайжон ССР Олий Совети номидан меҳмонларни табриклади.

«Биз, — деди у, — сиз азиз қўшниларимизни совет тупроғида кўришимиздан хурсандмиз ва сизларга озарбайжон халқининг ҳаёти ҳамда хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятлари блан танишиш имкониятини беришга тайёрмиз.

Совет халқи ўзининг қўшнилари блан, шу жумладан бизнинг яқин қўшнимиз Эрон блан дўстона муносабатларни ҳаммэ йўллар блан мустаҳкамлашга ҳамиша интилиб келди ва интилмоқда.

Биз ишонамизки, сизларнинг Совет Иттифоқига келишингиз Совет Иттифоқи ва Эрон халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашдан иборат олийжаноб мақсадга хизмат қилади, бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади».

Эрон парламент делегациясининг бошлиғи Сайид жавоб нутқида бундай деди:

«Эрон парламент делегацияси бугун дўстона Совет Иттифоқи территориясига қадам қўйганлиги блан бахтиёрдир. Биз Эрон халқининг буюк қўшнимизга бўлган энг самимий дўстлик ҳисларини ифода қилмоқдамиз. Биз ишонамизки, бизнинг яхши ниятларимиз энг яхши натижаларга олиб келади.

Делегациямизнинг а'золари — мажлис сенаторлари ва депутатлари шу нарсага аминдирларки, иккала мамлакатимиз ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатлар янада кўпроқ мустаҳкамланади.

Биз Совет Иттифоқида бўлган вақтимизда совет халқи ҳаётининг ҳамма соҳалари блан, совет мамлакатининг саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданияти блан танишолишимизга ишонамиз, бу эса халқларимизни бир-бирлари блан янада кўпроқ яқинлаштириш ишига хизмат қилади.

Бизларни самимий, дўстона кутиб олганликларингиз учун делегациямизнинг а'золари номидан ташаккур изҳор қиламиз».

Делегация бироз дам олгандан кейин Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми Раиси М. А. Иброҳимов ҳузурида бўлди.

М. А. Иброҳимов Эрон парламент делегациясини ва у орқали дўстона эрон халқини самимий табриклади.

Жавоб нутқи сўзлаган сенатор Муҳаммад Сайид, жумладан, бундай деди:

— Биз бизларнинг, совет республикалари экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришдилар. Биз тажрибангизни ўрганмоқ учун ва бу тажрибани Эрон халқига қилинган совға сифатида ўз мамлакатимизга олиб келмоқ учун ана шу муваффақиятларнинг ҳаммасини ўз кўзимиз блан кўришни истаймиз.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/XII да **Юрак сирлари**, 24/XII да **Чин муҳаббат**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/XII да **Етти гўзал**, 24/XII да **Евгений Онегин**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/XII да **Азиз ва Санам**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 23, 24/XII кеч соат 8 да, 25/XII кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да Хитой циркининг энг кекса устаси **Ван Ю-ли** раҳбарлигидаги **Хитой халқ аттракционининг** ҳамда Жаҳон рекордчиси **Григорий Новак** гастрольларининг сўнгги кунлари.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — сеанслар олдидан киножурнал **Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Бирмада бўлиши**.

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун янги венгер бадиий фильми **Махсус аломат**, кундуз соат 12 ва 4 да **Ханжар**.

СОБИР РАҲИМОВ номли — кундуз ва кечқурун янги венгер бадиий фильми **Қаҳр-ғазаб куни**.

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10 яримда **Ватан қанотлари**, кундуз соат 12 дан **Максим Перепелица**.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Махсус аломат**, 3-нчи залда кундуз соат 4 — 20 минутда **Бутуниттифоқ бадиий виставкаси**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Ажралмас дўстлар**, кундуз соат 2 дан **Будапешт баҳори**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Махсус аломат**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун **Қаҳр-ғазаб куни**:

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун **Махсус аломат**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

24 декабрьда

2 бўлимдан иборат

КАТТА КОНЦЕРТ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ **артистлари Маҳмуджон Ғафуров, Шаҳодат Раҳимова, Турсунхон Жа'фарова, Розия Каримова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Э'тибор Жалилова, Фароғат Раҳматова, Зайнаб Самиева, Зайнаб Полтушева, Абдуғафур Абдураҳмонов**, солистлардан **Шерали Пўлатов, Райҳон Тўраева, Раиса Муҳиддинова, Райҳон Иброҳимова, Омина Фаёзова, Турсун Валиев** ва бошқалар қатнашади.

Программани Ўзбекистон ССР халқ артистлари Сталин мукофоти лауреати **Раззоқ Ҳамроев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ПРОПАГАНДИСТЛАР ВА СИЁСИЙ МАКТАБ ЎҚУЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗГЛАВКНИГОТОРГ»НИНГ ҲАММА МАГАЗИНЛАРИДА

ўзбек тилида

„Сиёсий мактаб ўқучиларига ёрдам“

НОМЛИ ДАРСЛИК-ҚЎЛЛАНМА

СОТИЛАБОШЛАНДИ

Баҳоси — муқовада 5 сўм 65 тийин.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриёти.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р 69904 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1677.